# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Qishloq HAYOTI

2001 ЙИЛ 27 феврал, СЕШАНБА

№ 24 (6.237). Сотувда эркин нархда


*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ҚУРБОН ҲАЙИТНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам - Қурбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 июндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 6 мартга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлар идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2001 йил 6 март дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идоралар ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайити байрамини жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 23 февраль

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКАСИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Энергетика соҳасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, энергетика тармоқлари корхоналарини бошқаришни takомиллаштириш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш ҳамда шу асосда мамлакат энергетика тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш, иқтисодиёт ва аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида:**

1. Қуйидагилар энергетика соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари деб ҳисоблансин:

энергетика тармоқларини монополиядан чиқариш тадбирларини изчил амалга ошириш, давлат томонидан тартибга солиш даражасини пасайтириш, электр энергиясини сотиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг электр узатиш линияларига боғланишлари учун тенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш;

энергетика тармоғининг йирик корхоналари - иссиқлик электр станциялари, марказлаштирилган иссиқлик-электр қурилмалари, электр тармоқлари корхоналари ва бошқаларни босқичма-босқич акциялаштириш;

ижтимоий инфратузилма объектларини, лойиҳалаш, қурилиш монтаж ва тузатиш ишларини олиб борувчи корхоналар ва ташкилотларни жадал суръатларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, улар негизида мулкчиликнинг нодавлат шаклларидаги корхоналар, шу жумладан хусусий корхоналар ташкил этиш;

энергетика корхоналарини акциялаштириш, ишлаб чиқарувчи қувватлар ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш жараёнларига чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш;

электр ишлаб чиқариш, уни узатиш ва сотиш бўйича бошқарув тизимига ва хўжалик алоқаларига бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш;

энергетика қувватлари ва кўмир саноатининг ўзаро боғлиқ ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш.

2. Энергетика корхоналарини монополиядан ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда акциялаштириш масалалари бўйича махсус комиссиянинг:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигини тугатиш ва унинг таркибий бўлинмалари негизида очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси («Ўзбекэнерго ДАК»)ни ташкил этиб, унинг таркибига мустақил юридик шахс ҳуқуқлари билан «Кўмир» акциядорлик бирлашмасини киритиш;

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси тузилмасида электр энергияси узатиш бўйича юқори кучланишли тармоқлар шўъба корхонаси («Ўзэлектртармоқ») ташкил этиш;

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш бўйича минтақавий шўъба корхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

республика иқтисодиёти ва аҳолисини электр энергияси билан барқарор таъминлаш, республика энергетика тизими иш режимларини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

электр энергетикаси ва кўмир саноатини ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли прогнозларини ҳамда мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансларини шакллантириш;

ишлаб чиқарувчи қувватлар ва электр тармоқларини, кўмир саноати корхоналарини замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар асосида, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобига реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;

кўмир қазиб олиш бўйича геология-разведка ишларини мувофиқлаштириш, кўмир конларини очиш ва кўмир қазиб олишнинг самарали тизимлари ва усулларини жорий этиш, уни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда ундан устун даражада фойдаланиш, энергиянинг қайта тикланадиган, шу жумладан ноанъанавий манбаларини ривожлантириш ва жорий этиш;

республика корхоналари ва ташкилотлари билан биргаликда электр энергияси ва кўмирни тежаш, улардан оқилона фойдаланиш ва нобудгарчиликни камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

иссиқлик электр станциялари, иссиқлик электр марказлари, электр тармоқларининг вилоят корхоналари босқичма-босқич акцияларнинг назорат пакетини «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясида сақлаган ҳолда акциядорлик жамиятларига айланиб борадилар.

5. Мустақил Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги («Ўздавэнергоназорат» агентлиги) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўздавэнергоназорат» агентлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

6. Қуйидагилар Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш, ташиш ва истеъмол қилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва қоидаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш, ташишда хавфсизликни таъминлашга қаратилган профилактик чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш;

лойиҳаларни экспертизадан ўтказишда ҳамда электр энергияси ишлаб чиқариш, ташиш ва истеъмол қилиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича янгидан қурилган объектларни қабул қилиш ишларида қатнашиш;

ягона электр тизимига уланадиган доимий электр станцияларда электр энергияси ишлаб чиқаришни белгиланган тартибда лицензиялаш ишини ташкил этиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда таклифлар киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 1990 йил 28 сентябрдаги ПФ-57-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан ўн кун муддатда қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 22 февраль

## ЛИЗИНГ – ДЕҲҚОННИ ҚЎЛЛАШ ДЕГАНИ



***Деҳқонлар трактор сотиб ола бошлади. Бундан, айниқса, фермерлар хурсанд. Ҳукумат томонидан яратилган қулайликлар уларнинг имкониятларини янада оширди. Энди ўз мулки – ерига эга бўлган кишилар унга ишлов берадиган техникани ҳам мулк сифатида қўлга киритаяптилар. Яна денг, заводдан янги чиққан, бўёғи ҳали қуримаган машиналар.***

Бундай қулайлик дунё тажрибалари асосида ташкил қилинган лизинг хизмати туфайли юзага келди. Маълумки, ўтган йил охирларида Вазирлар Маҳкамаси "Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилган эди. Энди тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси 7 йил муддатга лизингга бериш йўли билан етказиб берилиши, дастлаб нархнинг 15 фоизи аванс тариқасида тўланиши белгилаб қўйилган эди. Дастлабки авансни машина-трактор паркларининг ҳудудий бирлашмалари, муқобил машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалик кооперативлари ва фермер хўжаликлари тўлайди. Техникаларни етказиб бериш юзасидан "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси шартнома тузади ва қолган 85 фоиз нархни маблағ билан таъминлайди.

-Лизинг йўли билан олинган техниканинг устамаси 7 йилда 36 фоизгача етиши мумкин, - дейди компания ҳисоб-кредит операцияси бўлими бошлиғи Зафар Каримов, - маблағ етарли бўлса, муддатидан олдин ҳам ҳисоб-китоб қилиш имкони бор.

Қисқа вақтда бирмунча ишлар амалга оширилди. Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларига 200 дона "Кейс-2022" пахта териш машинаси етказиб берилди. Йил давомида Молия вазирлиги ҳузурида ташкил қилинган Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан етакчи хорижий компаниялар иштирокида ишлаб чиқарилаётган 3000 дона ҳайдов тракторлари, 200 дона МХ-135 маркали тракторларни етказиб бериш мўлжалланмоқда. Январ ойида шундай техникалардан 80 донаси қишлоқ хўжалигида лизингга қўйилди.

Шунингдек, республика вилоятларидан йилнинг биринчи чораги учун барча турдаги техникаларга талабномалар қабул қилинди. Агар бу ҳақдаги маълумотга кўз югуртирсак, жами 1100 га яқин техникага талабнома тушган. Бу кўпми ёки озми? Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, айни пайтда далаларда турли агротехник тадбирларни ўтказишда 6500 га яқин турли хил ишлов бериш техникасига эҳтиёж бор. Шунга нисбатан олганда юқоридаги рақам унчалик катта салмоқни ташкил этмайди. Бунинг устига берилган талабномалар ҳам ҳақиқий аҳволни акс эттирмайди. Яъни кимдир чаққонлик қилиб, яна қўшимча равишда талабнома берган, бошқаси эса гарчи эҳтиёж юқори бўлса-да, талабнома бермаган.



Вазирликдаги маълумотларга қараганда, гарчи вилоятларда техника билан таъминланиш даражаси бир хил бўлмаса-да, яратилган имкониятдан са-

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

марали фойдаланиш йўллари изланмаяпти. Ҳамон беғамлик, ўзибўларчилик кайфияти мавжуд. Олайлик, Хоразм вилоятида техника билан таъминланиш даражаси яхши, ҳатто хўжаликларда эҳтиёждан ортиқ воситалар ҳам мавжуд. Бироқ эртанги ҳосил тақдири билан астойдил қизиққан мутасаддилар яна янги техникалар олишга буюртма берганлар. Жиззах ёки Самарқанд вилоятларида қатор ораларига ишлов берадиган мингга яқин механизм етишмайди, бироқ мазкур вилоятлардан аҳволни барқарорлаштириш юзасидан таклифлар билдирилмаган. Бундай вилоятлар, афсуски, битта-иккита эмас...

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати бор. Лизинг хизмати қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни жадаллаштириш, ишга солинмаётган имкониятлардан самарали фойдаланиш, қолаверса, қишлоқда мулкчиликка бўлган қизиқишни кучайтириш учун жорий этилаяпти. Нафсиламбирини айтганда, унинг имтиёзларидан иккита тракторни олиб, бирини қантариб қўйган қўли узун мулкдор эмас, ҳамма шароитини тўғрилаб, техникага сув ва ҳаводек зарурат сезиб турган хўжалик ёки фермер фойдаланиши керак. Ана шундай талабгорни топиш учун эса масалага адолат ва инсоф нуқтаи назари билан ёндошишга тўғри келади. Тўғри, бундай хизмат иқтисодиётимизда янгилик, ҳали уни тўла ўзлаштириш учун кўп изланишлар олиб бориш лозим. Шундан келиб чиқиб, "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси ҳам ишни ҳаётга яқинлаштириб ташкил этиши яхши самара беради. Лизинг афзалликларини тушунтириш, тарғиб-ташвиқ қилиш, энг асосийси – деҳқон билан бирга нафас олиб, унинг яратувчилик ишларига яқиндан ёрдам бериш кун тартибида турибди. Лизинг муддати – 7 йилда мулкдор бойиб, қарзини қутилиб, бунинг устига истеъмол бозорини тўлдиришда ўзининг ҳиссасини муттасил қўшиб бормоғи лозим. Янги хизмат турини ташкил этишдан мақсад ҳам шундай.

Вазифанинг нечоғлиқ долзарблиги Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида ҳам яна таъкидлаб ўтилди. Президент маърузасида қишлоқ хўжалигини зарур техника ва транспорт воситалари билан лизинг асосида таъминлаш тизимининг ташкил қилиниши "бошлаган хайрли ишларимиз қаторидан муҳим ўрин олаётган масала" сифатида қайд қилинди ва энди "Бу борада барча манфаатдор тузилмаларни ҳаракатга келтириш ўта муҳим" эканлиги уқтирилди.

**Ҳ. САТТОРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

* * *

**Тошкент трактор заводида ишлаб чиқарилаётган техникаларга талаб-эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда. Негаки, эндиликда замонавий қишлоқ хўжалик машиналарисиз эртанги истиқболли кунларни тасаввур этиш қийин.**

**Лизинг асосида янги тракторлар сотиб олишаётган деҳқон-фермерларнинг қувончи чексиз.**

**СУРАТЛАРДА: цехдан янги чиққан қишлоқ хўжалик техникалари вилоятларга юбориш учун тайёрлаб қўйилган; Наманган вилояти лизинг компанияси катта муҳандиси Ҳамидулла Бекхўжаев (ўртада) лизинг шартлари асосида Чортоқ, Чуст, Учқўрғон туманларига янги тракторлар жўнатмоқда.**

Б. АКРАМОВ олган суратлар.

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Мамлакатимиз Президентининг Фармонига биноан А.Абидов Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири этиб тайинланди.

● **23 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда «Кейс-Нью Холланд» корпорацияси директорлар кенгаши раиси Жан Пьер Россони қабул қилди.**

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов шу кунларда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Тинчликка тарафдор Осиё парламентлари уюшмаси бош котиби Қози Манзур-и-Мовла билан учрашди.

● **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш ва сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича ишчи комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.**

● Марказий банкнинг кенгайтирилган бошқарув мажлисида республика банк тизимининг 2000 йил иш фаолияти якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йилнинг 16 февралида Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

● **Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг пленумида ҳам Вазирлар Маҳкамасининг шу мажлиси якунларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.**

● Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

● **Миллий матбуот марказида республикада саноат теракчилигини ривожлантириш, янги боғлар барпо этишга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди.**

● Миллий матбуот марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини тузиш бўйича ташаббус гуруҳи аъзолари билан оммавий ахборот воситалари вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди.

● **Янгийўл туманида барпо этилаётган целлюлоза-қоғоз фабрикасида ишлар тобора жадаллашмоқда. Наврўз арафасида ишга тушириладиган бу корхонани мамлакатимиз қоғоз саноатининг тўнғичи ҳисобланади.**

## ТАРИХШУНОСЛИКДА ЯНГИ САҲИФА

**ТАДҚИҚОТ**

***Икки азим дарё – Сирдарё ва Амударё оралиғида жойлашган Ўзбекистон диёри қадим замонларданоқ меҳнатсевар ҳамда шижоатли халқи юксак илм-фани, маданияти, ривожланган қишлоқ хўжалиги, табиий бойликлари билан жаҳонга танилган.***



Инсоният жамиятининг кейинги икки минг йиллик тарихига назар ташласак, Турон, Моварауннаҳр Чиғатой улуси, Туркистон, Ўрта Осиё деб турлича номлар билан аталган бу диёрнинг улкан қисмини ташкил этган Ўзбекистон осмонини қора булутлар қоплаган йиллар кўп бўлган.

Бу ўлкага ҳасад ва тажовуз кўзи билан қараган, мардона халқини қул, бойликларини ўзиники қилишга жон-жаҳди билан интилган босқинчилар бисёр эди. Бироқ барча замонларда ҳам босқинчиларга қарши халқимизнинг озодлик байроғини баланд кўтарган ватанпарвар йўлбошчилари, миллат қаҳрамонлари бўлган. Халқимиз душман қолдирган култепалар устида обод қишлоқлар, шаҳарлар тиклаган.

XIX асрнинг иккинчи ярми Ўзбекистон тарихининг яна бир кулфатли бобини бошлаб берди. Шимолдан ва ғарб тарафдан ёғилган бало-қазо пароканда бўлган Туркистонни, умуман, диёримизни зулм ва истибдод ўпқонига улоқтирди. Сўнгги уч аср мобайнида, аниқроғи, XYII-XIX асрларга келиб, то шу чоққача эришилган юксалишдан тушиб кетдик, қолоқлик ва парокандалик – хонликлар, амирлик ва бекликлар уруш-жанжаллари тинимсиз давом этарди. Аслида Осиё ва Оврупода ягона раҳнамолик мавқеини эгаллаш пайида бўлган чор Россияси бунга қадар Кавказда, Узоқ Шарқда, Қозоғистон ва бошқа ўлкаларда ўзининг босқинчилик сиёсатини қон тўкиш йўли билан амалга оширган эди.

(Давоми 4-бетда)

**ТАҲЛИЛ**

**Охунбобоев номли жамоа хўжалиги фақат Ҳонқа туманида эмас, балки Хоразмнинг энг илғор хўжаликларидан бири эди. Иқтисодий бақувват, кўп тармоқли бу жамоа кейинги йилларда қолоқликка юз тутди. Ҳатто 1997 йил натижаси бўйича 1998 йилда санацияга ҳам тушди... Унга илгари "Хоразм" жамоа хўжалигига бир йилгина раислик**

## ОРТИҚЧА ХАРАЖАТГА НА ҲОЖАТ?

**қилган Мўминбой Худойберганов ташқи бошқарувчи қилиб тайинланди. Янглишилмаган экан, янги бошлиқ хўжаликни бир йилдаёқ 30 миллион сўмлик қарзидан қутултириб, қолоқликдан олиб чиқди. Барча соҳалар бўйича режалар бажарилди. Хўжалик илғорлар қаторига қўшилди. Бунинг сири ҳақида жамоа етакчилари қуйидаги фикрларни билдирдилар:**

(Давоми 3-бетда)

## НАРЗУЛЛА АКАНИНГ НИЯТЛАРИ

**ЗАМОН - ИЗЛАНГАННИКИ**

***Дам олиш кунлари Нарзулла ака хонадони байрам тусини олади. Ўғил-қизлари-ю, келин-куёвлари, фарзандлари билан бирга Нарзулла ака хонадонига тўпланишади. Шу куни кенг дастурхон атрофида ўйин-кулги қилишади. Нарзулла ака фарзандларининг ана шундай ажойиб одатларидан қувончга тўлиб, ўзини беҳад бахтиёр ҳис этади.***

Мана бугун ҳам фарзандлари унинг хонадонида жамул-жам бўлиб, ота-она кўнглини ҳушнуд этишяпти. 12 фарзанднинг ҳаммаси ўз оила аъзолари билан ташриф буюришган. Келинлари ҳовли юзи ва хоналарни супуриб-сидириб тартибга солаётган бўлса, қизлари онасининг рўзғор ишларига қўл солишяпти. Ўғиллари эса мол ва қўйларга емиш улашяпти. Нарзулла ака уларнинг чаққон ҳаракатлари-ю, бир-бирига нисбатан бўлган ширин муомалаларига диққат билан эътибор қилади, ҳар бирига ҳавас билан тикилади. Фарзандларининг ҳар бири ўз йўлини топган, улар ўз билими ва ҳаракати билан ўқиб яхшигина касбларни эгаллашди. Бири тарбиячи, бири иқтисодчи, бири шифокор, бири инженер техник ходим... Хуллас, ҳар бири ўзи орзу қилган касб эгаси бўлишди. Қолган икки кенжа фарзанди эса ўқув юртларида аъло баҳоларда таълим олишяпти.

Нарзулла ака фарзандлар камолини кўриб севинганиданми ширин хаёлларга толди. Дарвоқе, унинг ўтмиши қийин даврларга тўғри келганди.

Нарзулла падари бузруквори Эрназар ота васиятига амал қилиб, ўқишга ва ҳалол меҳнат қилишга меҳр қўйди. Ўрта мактабни тугатгач, Самарқанд қишлоқ хўжалик техникумининг ветеринария бўлимига ўқишга кирди. Ушбу билим юртини битиргандан сўнг Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ўқиб зоотехниклик мутахассислигига эга бўлди. Олий ўқув юрти йўлланмаси билан Хатирчи туманига ишга келди. У олти йил ана шу тумандаги Навоий номли жамоа хўжалигида бош ветеринария врачи вазифасида фаолият кўрсатди.

(Давоми 3-бетда)

**БУГУННИНГ ГАПИ**

**Халқимиз азалдан ўз меҳнати билан обрў-эътибор топиб келган. Ҳалол ризқ эса доим инсон шаънини юксалтиради. Ўзбек халқининг улуғворлиги ҳам шундан. Бу заминга пок ният билан қадалган ҳар қандай ниҳол ўз соҳибини бой-бадавлат қилади. Чунки заминимиз табаррук, тупроғимиз серунум, сувимиз шифобахш. Шу туфайли ҳам юртимизга ташриф буюрган меҳмоннинг дас-**

## БОҒНИ БОҚСАНГ БОҒ БЎЛУР...

**турхонимиздаги меваларга, табаррук нонимизга дили кетади.**

**Бироқ бугун бизни ўйлантираётган долзарб масалалар ҳам йўқ эмас. Улардан бири йилдан-йилга мукаммаллаштиришимиз талаб этилаётган, серҳосил нав, сара уруғ, сифатли маҳсулот муаммосидир. Бугунги мавзу боғ ва токзорлар, уларга агротехник ишлов бериш масалалари хусусида.**

(Давоми 2-бетда)

## НАМАНГАННИНГ МАВЖЛИ ДАРЁСИ ЭДИ

**ЯХШИЛАР ЁДИ**

***Тўрт йилдирки, Наманганда бир киши йўқ. Унинг ўрни билиняпти. Мамлакатимиздаги барча газеталар, республика радиоси уни соғингандек. Наманган кўчалари, таҳририятлари ҳувиллаб қолгандек.***

Хом сут эмган бандамиз. Кимнинг кимлигини "поезд ўтиб кетгандан сўнг" англаймиз.

Турғунпўлат Сулаймонов, ҳеч шубҳасиз, Наманганнинг сермаҳсул, қалами равон, ҳозиржавоб, тезкор ва чапдаст журналисти эди. У бош ҳарфлар билан ёзишга арзийдиган дилбар, дилкаш, меҳри бир жаҳон инсон эди.

Турғунпўлат ака кирган давра, у қадам ранжида қилган таҳририят яшнаб кетарди. У билан давраларга ажиб бир дўлворлик, енгил кайфият, файзу тароват эргашиб кирарди.

Асли мутахассислиги муҳандис бўлган бу йигит, таъбир жоиз бўлса, республикадаги деярли барча газеталарни забт этганди. Бир кунда унинг камида бешта нуфузли газетада мақоласи босиларди. Худди шу куни вилоят ёки республика радиоси орқали лавҳа ё очерки ўқиларди. Кейинроқ ижодга бўлган иштиёқи туфайли касбини ўзгартириб Наманган тўқимачилик комбинатининг "Ишчи шарафи" газетасига ишга ўтди. Аввалига масъул котиб, кейинроқ муҳаррир бўлди. Вилоят коммуналчиларининг "Эл хизматида", Наманган шаҳар ҳокимлигининг "Наманган садоси" газетасининг илк ташкилотчиси ва муҳаррири эди Турғунпўлат ака.

Газетачи дўстларимиз яхши билишади. Бир газетани ташкил этиш осон иш эмас. Бу инсондан катта куч, ирода, билим ва шижоат талаб этадиган серзаҳмат юмуш. Турғунпўлат ака ҳаммасига улгурар эди. Ҳам бир эмас, икки газета унинг раҳбарлигида чоп этилар, айтганимиздек, мамлакатнинг беш-олти газетасида ўз мақолалари, лавҳа ва очерклари билан кўринарди. Шу билан биргаликда улфатчилик, дўстлари, бизга ўхшаган укалари кўнглини овлашга ҳам вақт топар эди. Ҳамма-ҳаммага шодлик улашиб, меҳр улашиб яшарди. Барчага яхшилик соғиниб яшарди у.

(Давоми 4-бетда)


**КЕЛГУСИ СОНДА:** СИЗГА БЎЛСИН БОР СИҲАТЛИК | ҲАЁТНИНГ ЎЗИ САБОҚ | "БИЗ, АЛБАТТА, ЧЕМПИОН БЎЛАМИЗ!"

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## СЕВИНЧ ЁШЛАРИ

***Қизамиқ авж олган кунларнинг бирида Умрзоқ қайнотасиникига бориб қолди. Уйда бесаранжомлик Ҳали бир ёшга ҳам етмаган қайнисининг қизамиғи ичига уриб кетибди. Оқибатда боланинг ранги оқариб, томир уриши эшитилмай, нафас ҳам олмай қолгандан кейин қайнотаси Нарзулло Жиянов хотинига:***

-Боланинг устини ёпиб, оёқларини боғлаб қўй, - деб буюрибди.

Умрзоқни кўрган қайнонаси даб-дурустдан гап бошлади.

-Умрзоқжон, Беккул укангдан айрилиб қолдик. Укангни кўргин-чи, бўлмаса, амакинг одам айтдирмоқчи, - деди кўзларида шашқатор ёши билан.

Қайнотаси шикаста товуш билан:

-Қўй, очиб ўтирма. Бир ярим соатдан бери нафас олмаётир, - деди.

Умрзоқ қайнотасидан изн сўраб:

-Бир кўрай, - деб оқ чойшабни очди.

Бола анча совиб қолган, бадани оқариб кетган эди. Умрзоқ фанендоскопни бола юрагига қўйиб тинглади. Юрак уриши сезилар-сезилмас эди. У чаққон ҳаракат билан юрак ишлашига ёрдам берадиган дoридан укол қилиб, қайнонасининг томиридан ўн грамм қон олиб, беморга юборди.

Уй жим-жит эди. Умрзоқ болани назорат қилиб ўтирди. Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас боланинг кўз атрофлари қизариб, кўкрак қафаси кўтарила бошлади. Яна бирпасдан кейин бемор бадани қизариб, қизамиқ тошмалари тўлиқ юзага чиқди, бола тамшанди ва йиғлай бошлади.

Умрзоқнинг қайнотаси енгил "уф" тортди. Юзига қон югурди, у индамай ташқарига чиқиб, кўзларидан қуйилиб келаётган қувонч ёшларини артди. Чунки Нарзулла Жияновнинг бундан аввал уч ўғли қизамиқдан чиқмаган экан.

Йиллар ўтди. Ўша йигит ҳозир ўттиз тўққиз ёшда. Беш боласи бор, ўзи эса юқори малакали ҳаким.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ**

## ЁЛҒИЗ ЎЗИГА АЁН

***Фозил бобо Мўминобод қишлоғининг кекса дурадгори. У киши эсини таниганидан буён шу ҳунар орқасидан рўзғор тебратади. Камтарингина, соддагина Фозил бобо ҳаммага бирдек – самимий муносабатда бўлади. Кунларнинг бирида тажрибали устага ғалатироқ буюртма тушди.***

"Ғалати" дейишимизнинг боиси шуки, қабристон қоровули ва қишлоқ масжидининг имоми у кишидан тобут ясаб беришни илтимос қилишди. Фозил бобо буюртмани эшитиб, бир сесканди-ю, "йўқ" деёлмади. Ахир улар ҳам эрмакка айтишгани йўқ бу гапни. Аввалги тобут эскириб синар аҳволга келган. Бозорга тобут сўраб бориб бўлмаса. Ҳа, майли керак экан, ясаса ясабдида.

Хуллас Фозил бобо тобутга уннай кетди. Орадан уч кун ўтгач, битай деб қолган чоғда қишлоқ кексаларидан Мурод бобо устанинг ҳовлисига кириб келди.

-Ҳорманг Фозилжон,- гап бошлади Мурод бобо. –Бу дейман "чўбин от"ни ҳам гижинглатиб қўйибсиз-ку, а?

-Ҳа, энди бизнинг ишимиз шу, фақат гижинглатамиз,- деди уста бобо ҳам хазиломуз жавоб бериб.

-Шундай денг,- яна давом этди Мурод бобо. –Бўлмаса бу гижинглаган отингизга ким биринчи бўлиб минаркин?..

Фозил бобо тенгдошининг бу гапига нима деб жавоб беришни билмай ўйга толди. Тўғри-да, нима ҳам десин. Тобутга "миниш" навбати кимда эканлигини ёлғиз Аллоҳдан бўлак ҳеч ким билмайди...

Тобут тайёр бўлгач, икки ой ўтиб қишлоқда жаноза бўлди. Одамлар янги тобутда Мурод бобонинг жасадини елкалаб кетишарди. Маййит қабристонга қўйилгач, уйига қайтган Фозил бобо юқоридаги воқеани фарзандларига айтиб бераркан: "Ҳа, ўлим ҳақ. Ким олдин ким кейин кетишини одамзот билмас экан", деди. Шу топда кекса дурадгорнинг хаёлида тенгдоши Мурод бобо билан кечган суҳбати жонланган эди...

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ**

## АСРАГАННИ АСРАЙДИ

***Қўшни отардан келаётган чўпон қуёш алангасига дош беролмай ўзини саксовул панасига олди ва кўзини уйқу элитди. Бир маҳал уйғонса эшаги йўқ. Унинг изи билан бориб топди ва шу атрофдаги Аҳмад қудуқдан бир мунди кўзага сув олиб, йўлига равона бўлди. Гармселда сувни ичиб тугатди. Яна томоғи қақраб қолди. Қизилқумнинг Толкўрғон кенгликларидан Келисаригача юриб сув тополмади.***

Йўл анча олис бўлганлиги учун саксовул панасига ёнбошлаганича ухлаб қолибди. Тушида уни бир мўйсафид таёғи билан туртиб:

-Уйғонгин болам, бу ер ёмон жой, ғафлатда ётмагин! – дебди.

Сергакланиб кўзини очса, ҳеч ким йўқ. Чўпоннинг эшаги юрмади. Ўзида дармон қолмади. Хуржунидаги арқонни олиб, бир учини айилга, бир учини эса белига боғлади. Эшакни халачўп билан ниқтади.

-Их, жонивор, их! – дерди лаблари гезариб.

Оёқлари қумга ботиб бораётган эшак мадорсизланган соҳибини тортиб борарди. Шу тахлитда у икки-уч чақирим йўл босди. Иссиқ ҳаво тинкасини қуритди. "Энди ажалим етган, куним битган экан" деган хаёл бошида чарх урди.

Адашган Ашур саксовулли Ғужум қудуқ олдига келиб тўхтади. Ёввойи мушук потирлаб қочди. Кўзлари хиралашди. Ўнг томондан келаётган туя изидан гандираклаб юрди. Анча муддатдан кейин туя қудуқ бошига келди.

Цемент ҳовуз сувга тўла эди. Йигит сабри чидамай ўзини унинг ичига ташлади ва ютоқиб сув ичди. Кейин у ёғини билмайди, ҳушидан кетиб қолибди.

Бир маҳал қўй суғоришга келган чўпонлар ҳовуз ичидаги одамни зудлик билан чиқариб олишди. Юрагига қулоқ тутишди.

-Тирик, тирик экан! – дейишди улар.

Уйга келтириб ётқизишди. У анча вақтдан кейин кўзини очиб:

-Қаердаман! – деб сўради.

-Худонинг суйган бандаси экансан, йигит. Агар бу воқеа кечаси бўлганда юз жонингдан биттаси ҳам соғ қолмасди, - дейишди чўпонлар ва унга бир коса айрон ичириб, йўлга кузатишди.

Аллоҳ асрайман деса бандасини асрар экан-да.

**Э. ҲАМДАМОВ**

# БОҒНИ БОҚСАНГ БОҒ БЎЛУР...



(Боши 1-бетда)

Чунки кейинги йилларда бу соҳада анчагина сусткашлик сезилмоқда. Қадимдан, ота-боболаримиз ардоқлаб, мерос қолдириб келган турли хил серҳосил навларни асраб қолишимиз, йўқотилганларини қайта тиклашимиз зарур...

Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча матбуотда эълон қилинган, Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда "ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги" ўтказиш тўғрисидаги қарори ҳам бу борадаги ишларимизга яна бир дастур бўлди.

Халқимизда "Боғни боқсанг боғ, боқмасанг юракка доғ" деган нақл бор. Боғ-токзорларга эътибор билан қараш, технология жараёнини ўз муддатларида тўла ўтказиш, юқори ҳосил, сифатли маҳсулот етиштириш омилидир.

2000 йили республикамизда об-ҳаво шароити боғдорчилик ва токчилик хўжаликлари учун қулай келди. Барча ҳудудларда мўл ҳосил етиштирилди. Қишлоқ хўжалик корхоналарида 238,6 минг тонна мева ҳамда 311,7 минг тонна узум, шу жумладан, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" холдинг компанияси тизимидаги хўжаликларда 54,1 минг тонна мева, 155 минг тонна узум тайёрланди. Ўртача ҳосилдорлик республика бўйича мевадан 32,2, узумдан 43,4 центнер, холдинг компанияси хўжаликларида эса бу нисбат 45,9, 74,4 центнерданга тўғри келди.

Тизимдаги "Зангиота", "Китоб" "Каттақўрғон маскаси", "Қибрай", "Гала-Осиё", "Заркент", Навоий номли хўжаликларда боғ ва токзорлардан айниқса юқори ҳосил олинди.

Аммо ҳали кўпчилик хўжаликларда боғдорчиликнинг аҳволи, унинг ҳосилдорлиги, етиштирилган маҳсулот сифати талаб даражасида эмас. Чунки боғ ва токзорлардаги ҳосилдорлик, маҳсулот сифати қиш, баҳор ҳамда ёз мавсумларида бажарадиган ишларимизга боғлиқ.

Маълумки, 2000 йил кузида кўпчилик боғдорчилик хўжаликларида зарурий технология жараёнлари тўлиқ бажарилмади. Зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш тадбирлари суст олиб борилди. Кўпчилик ҳудудларда токлар тўлиқ кўмилмай қолди. Боғ-токзорларни ўғитлаш, қатор ораларини шудгорлаш, ёш боғ ва токзорларнинг хато ўринларига кўчат экиб, тўла қалинликка келтириш тадбири ҳам тўлиқ бажарилмади.

Шунингдек, вегетация даврида боғ-токзорлар етарли даражада ўғитланмади. Суғориш ишлари ҳам суст олиб борилди. Буларнинг барчаси ерда намликнинг камайишига ва бундай тупроқда зараркунанда ва ҳашаротлар сақланиб қолиб, бу йилги ҳосилга салбий таъсир этишига олиб келади. Бу камчиликларни тугатиш учун кузда бажарилмаган ишларни, касаллик ва зараркунандаларга қарши агротехник тадбирларни эрта баҳорданоқ тўла ўтказиш зарур.

Масалан, боғларда уруғлик мева дарахтларини куз ва қиш фаслларида (ҳаво ҳарорати иссиқ бўлган вақтда) буташ бошланиб, баҳорда, куртакларининг бўртишига қадар тугаллаш зарур. Данакли мева дарахтларини эса эрта баҳорда буташ лозим бўлади.

Чунки бу тадбирлар данакли мева дарахтларининг шохлари мустаҳкам шаклланиши, ўсиши ҳамда мўл ҳосил беришини таъминлайди.

Дарвоқе, данакли мева дарахтларининг ҳар бир тури ўзига хос шакл бериш ва буташни талаб этади. Улар кўпинча бир ёшли новдада ҳосил беради. Мева шохлари эса (гул тўпламии ва пихсимон новда) эскироқ шохларда, яъни шаклланган ҳосил новдаларида бўлганлиги учун уруғликларга нисбатан унча кўп яшамайди. Натижада шохлар ичи тезда бўшлиққа айланиб қолади. Бунга йўл қўймаслик учун буташ билан ҳар йили кўплаб бир йиллик новдалар ўсиб чиқишига ва уларни шохлар орасига тўғри жойлаштириб, ҳосил тугишига эришиш зарур. Шохлар ана шу тарзда буталганда бир йиллик новдаларнинг сони кўпаяди.

Ўз вақтида шакл берилган дарахтлар кўп яшайди, серҳосил бўлади. Шохлар бақувватлашиб, ҳадеганда синиб кетмайди. Энг асосийси хўжаликларга катта даромад келтиради.

Агарда ёш боғлардаги кўчатлар тўлиқ ундирилмаса, у ҳолда, шу навнинг кўчатини олиб келиб экиш зарур. Чунки боғдаги кўкармаган ҳар бир туп дарахт ҳосилдорликнинг камайиши деган гап. Экилган кўчатларнинг новдаларини кесиб шакл бериш, танасини оқлаш ҳамда тезликда ариқлар олиб мириқтириб суғориш зарур. Айнан ана шу тадбирлар амалга оширилгандагина кўчатларнинг кўкариш даражаси юқори бўлади.

Республикамиздаги мавжуд боғларнинг аксарият қисми суғориладиган ҳудудларда жойлашган. Бундай ер қатламларида намнинг танқислиги доимо сезилиб туради. Намлик етарли бўлмаса, дарахтларнинг ҳосилдорлиги пасайиб кетади. Бу ҳолнинг салбий таъсири келгуси йилдаёқ сезилади.

Шунинг учун ҳозирги ҳар бир кундан унумли фойдаланган ҳолда боғларга яхоб суви бериш зарур. Яхоб суви ичган дарахтлар тупроқдаги озуқаларни тўлиқ ўзлаштиради. Айни вақтда, шўрлик даражаси ортган ҳудудларда тупроқдаги ўсимлик учун зарарли ҳисобланган хлор, сульфат ва сода тузларини ювиб юборишга ёрдам беради.

Яхоб сувлари ерни заруркунанда ва касалликлар қолдиқларидан фориғ қилади, бегона ўт уруғларидан тозалайди.

Яхоб суви берилганда ҳар гал гектарига 1500-2000 куб метргача сув сарфлаш лозим. Охирги яхоб суви март ойида берилса, самараси яхши бўлади.

Сув тупроқ турларига, боғларнинг ёшига ва етиштирилаётган ҳосил миқдорига қараб берилади. Ҳосилга кирган боғлар 4-6 маротаба (ҳар гал гектарига 800-1000 куб метр) жилдиратиб суғорилади.

Тошлоқ тупроқли ерларда суғориш сони 8-10 маротабагача етказилиб, ҳар гал бериладиган сув миқдори 400-500 куб метрни ташкил этиши лозим. Боғ қатор ораларида оралиқ экинлар етиштирилса, уларнинг талабига қараб сув берилади. Сизот сувлари юза жойлашган ўтлоқли, бўз тупроқларда эса ёзда суғориш миқдори камайтирилади.

Боғларимиздан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг яна бир омили ёш новдаларни тўлиқ озиқлантиришдир. Тупроқ таркибидаги азот, фосфор, калий ўғитлари, чириндилар танқислиги ёш новдаларни ривожланишдан тўсади. Шу боис ерни ҳосил чўғига қараб, ҳар йили етарли миқдорда органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш лозим. Тошлоқ ва қумлоқ ерларда минерал ўғитлардан ташқари 20-40 тоннагача органик ўғит ҳам солиш зарур.

Ҳали ҳосилга кирмаган ёш боғларга - минерал ўғитлардан азот - 60 кг, фосфор - 30 кг, калий - 15 кг солиш керак бўлса, ҳосилли боғларга азот - 120 кг, фосфор - 90 кг, калий - 60 кг солинади. Азотли ўғитлар эрта баҳорда, фосфорли ҳамда калийли ўғитлар кузда солинади.

Суғориладиган бўз тупроқларда ўстирилаётган токзорларга 120 кг азотли, 90 кг фосфорли, 45 кг калий ўғити солинса, унумсиз (қумлоқ, тошлоқ) тупроқларда ўстирилаётган токзорларда фосфор ва калий ўғити миқдорини гектарига 120-160 кг гача ошириш лозим.

Лалмикор ва ярим лалми ерлардаги боғларга ўғитларни мумкин қадар эрта баҳорда, ернинг чуқурроқ қатламига солиш керак. Ана шу услубда берилган ўғитлар, тупроқ қатламларида тўпланган нам дарахт илдизларига яхши сингийди.

Баҳорда мевали дарахтларни оқлаш ҳам муҳим тадбир саналади. Бунда асосий она шохининг асослари оқланади. Оқлашдан мақсад, дарахтларнинг таналари ва шохларини баҳорда кундузги иссиқ таъсирида куйишдан сақлашдир. Оқлашда икки қисм сўндирилган оҳакка бир қисм соф тупроқ аралаштирилади. Бу муҳим тадбир данакли, уруғлик мева берадиган ҳамма боғларда қатъий ўтказилиши керак.

Шу кунларда қилишимиз зарур бўлган тадбирлардан яна бири, бу - зараркунанда ва касалликларга қарши чора кўришдир. Кейинги йилларда қатор боғдорчилик хўжаликларида бу тадбир жуда суст олиб борилаяпти. Натижада, кўплаб мева-узум боғлари зараркунанда ва касалликларга чалиниб, ҳосилнинг 50-60, ҳатто айрим жойларда 80 фоизгачаси бой берилмоқда.

Мевали боғларда олма қурти, қалқондорлар (шитовка), нок шираси, рага, яна бир неча бошқа зараркунанда ва касалликларга қарши кураш чораси эрта баҳор фаслида ўтказилиши шарт.

Боғларда юқоридаги зараркунандаларга қарши ишлатиладиган "Препарат №30"нинг 50% эритмаси (гектарига 70-80 кг) ёки "Нитрофен"нинг 3% эритмаси (гектарига 35-40 кг) пуркалади. Рага касаллигига қарши боғлар "Бордо" суюқлигининг 3% эритмаси билан ишланади.

Ўзини билган соҳибкор борки, шу кунларда, боғлардаги каби токзорларда ҳам қатор ораларига яхоб суви бериб, тупроқни яхши намлатишга киришди. Бундан кейинги тадбир эрта баҳорда "Оидиум" ва "Анракноз" касаллигига қарши "Препарат №30"нинг 5% ли эритмаси ёки "Нитрофен"нинг 3% ли ёки "ИСО" суюқлигининг 5% ли эритмаси билан ишлов беришдан иборат.

Токзорларда ҳосилдорликнинг кескин ошишида агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш билан бирга вегетация даврида ток тупларини камида 3-4 маротаба хомток қилиш, новдаларни тўғри қирқиш асосий омил ҳисобланади.

Еримиз хазина, сувимиз гавҳар, халқимиз меҳнаткаш. Шундай бир шароитда аҳоли дастурхонини йил давомида сабзавот, мева-узум каби маҳсулотлар билан сероб қилиш йўлида ҳаммамиз бир тан бир жон бўлиб баракали меҳнат қилишимиз зарур.

**Адиба АҲМАДЖОНОВА,**
**"Ўзмевасабзавот узумсаноат-холдинг" холдинг компанияси қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи.**

ЯХШИ ХАБАР

***Қарши шаҳрида нодавлат-нотижорат ташкилоти – "Авлод" маркази ташкил этилди.***

## "АВЛОД" ИШГА ТУШДИ

**- "Авлод" маркази АҚШ тараққиёт агентлиги (ЮСАИД)нинг Винрок интернейшнл ташкилоти орқали молиялаштирилган гранти ҳисобидан очилган, - деди "Туркистон-пресс" мухбирига марказ раҳбари Соҳиба Хўжаҳонова. - Унинг асосий мақсади ёшлар ва аёлларнинг фаолиятини ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларига оддий фуқароларни жалб этишдан иборат.**

**"Авлод" маркази яқин кунларда Қаршидаги маҳаллаларда ўқитишнинг тезлаштирилган усуллари асосида семинарлар ўтказишни режалаштирган. Кейинчалик шу хилдаги семинарларни вилоят туманларида ва чекка қишлоқларида, айниқса, тоғли ҳудудларда жойлашган қишлоқларда ўтказиш, кенг жамоатчилик ўртасида тажрибалар асосида олиб бориш кўзда тутилган.**

**Қашқадарё вилояти, "Туркистон-пресс"**

## ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИШ - МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

***Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида Агросаноат мажмуининг Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди.***

Бош вазир ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев бошқарган йиғилишда алоқадор вазирлик, қўмита, компания, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан агросаноат мажмуига кирувчи корхона ва ташкилотларда ишнинг замон талаби даражасида олиб борилишига боғлиқлигини қайд этдилар. Ўтган йили минтақада об-ҳаво ноқулай келишига қарамай, қишлоқ хўжалиги корхоналарида иқтисодий барқарорликка эришилган бўлса-да, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилди, деб бўлмайди. Не-

ИСЛОҲОТ

гаки, соҳада аграр ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмаган, уқувсиз, тажрибасиз, ҳайбаракаллачи раҳбарлар ҳалиҳамон учраб турибди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, замонавий технологияларни қўллаш, ширкат хўжаликларининг ички механизмини такомиллаштириш ҳамда тармоқда фаолият юритишнинг муқобил усулларини яратиш борасидаги ишларни кўнгилдагидек, деб айтиш қийин.

Шу боис, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи - пахтачиликда талай хато ва камчиликларга йўл қўйилди. Айниқса ер ҳайдаш, ариқ-зовурларни тозалаш, ернинг шўрини ювиш, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, техника, ишчи кучи, сув, уруғ, ўғит, озуқа ҳамда ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланилмади. Айни вақтда толаси жаҳон бозорида харидоргир бўлган ғўза навларини кўплаб яратиш ва уларни ҳар жойнинг иқлим-шароитига қараб жойлаштириш масаласи ҳам долзарб муаммо бўлиб турибди.

Йиғилишда қишлоқда аграр ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кўп тармоқли иқтисодиётни вужудга келтириш, шартномавий муносабатларни, айниқса, чек тизимини, суғориш ишларини такомиллаштириш, соҳадаги ишлаб чиқариш тармоқларига чет эл сармояларини кенгроқ жалб этиш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков сўзга чиқди.

## «БЕҒУБОРЛИК» МЕҲР-МУРУВВАТИ

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ногирон ва қаровчисини йўқотган болаларга ғамхўрлик кўрсатувчи «Беғуборлик» нодавлат жамоа бирлашмасини жамоатчиликка таништириш маросими бўлиб ўтди.***

ТАҚДИМОТ

Давра суҳбати тарзида ўтган тадбирда таъкидланганидек, тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб қолган болалар ҳаёти доимо диққат-эътиборда турмоғи лозим. Зеро, халқимиз азалдан бундай инсонлар бошини силаб, кўнглини кўтариб келган. Ота-боболаримиздан мерос қолган кўнгли синиқ болаларга шундай меҳр-мурувват кўрсатиш анъаналари бугунги кунда янги мазмун билан бойимоқда, бу иш жамият олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

«Беғуборлик» маркази ҳам ана шу мақсадда ташкил этилган бўлиб, ақли заиф болаларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларга бирор касб ўргатиш, оёққа туриб кетишлари учун шароит яратиш мақсадида фаолият кўрсатмоқда. Марказнинг асосий вазифаси дефектолог-мутахассис ва олимларнинг тавсиялари асосида болаларни ёшига қараб гуруҳларга бўлиб тарбиялаш, уларнинг туғма хусусиятларини ва қобилиятларини инобатга олган ҳолда касбларга йўналтириш, энг муҳими - оилада ногирон бола туғилишининг олдини олиш тадбирларини ўтказишдан иборатдир.

Тадбирда бундай хайрли ишга қўл урган «Беғуборлик» маркази фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳомийлик ёрдами кўрсатиш зарурлиги таъкидланди.

**(ЎзА)**

АНЖУМАН

***Янги аср бошида, янги минг йиллик ибтидосида ҳар бир давлат ўзининг яқин ўтмишда адо этган кенг қамровли ишларини сарҳисоб қилиб, истиқбол режаларини белгилайди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган 2000 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишларига бағишланган мажлиси ана шу нуқтаи назардан катта аҳамиятга моликдир.***

## ИСТИҚБОЛ МАСЪУЛИЯТ ДЕМАКДИР

Унда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов нутқ сўзлаб, яқин келажакда амалга ошириладиган вазифалар кўламини белгилаб бердилар. Айни кунларда мазкур маъруза жойларда қунт билан ўрганилмоқда.

"Ўздонмаҳсулот" давлат акциядорлик корпорацияси бошқаруви йиғилиши ҳам баайни шу масалага бағишланди. Унда "Ўздонмаҳсулот" ДАК тизимидаги уюшмалар, акциядорлик жамиятлари ва корхоналарнинг ўтган молиявий-хўжалик йилидаги натижалари чуқур таҳлил этилди ва келажакдаги саъй-ҳаракатлар қамрови белгилаб олинди. Маърузачи ва сўзга чиққанлар мазкур корпорация фаолиятидаги ютуқларни қайд қилиш билан биргаликда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни ҳам қатъий танқид қилдилар. Шунингдек, йиғилишда тармоқдаги қурилиш объектларида капитал маблағларни ўзлаштириш ва жорий йилда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, корпорация таркибида тузилган Тендер комиссияси фаолиятига доир ва бошқа масалалар ҳам ўртага ташланди.

Йиғилишни мазкур корпорация бошқаруви раиси И.Нажмиддинов олиб борди.

**(Ўз мухбиримиз)**



**Жомбой туманида фаолият кўрсатаётган "Самжинтекс" қўшма корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар ёшу кексага бирдек манзур бўлмоқда.**

**СУРАТЛАРДА: цех бошлиғи Шароф Мустинов ҳамда бош муҳандис Афанасий Кан калава ип сифатини кўздан кечиришмоқда; илғор тикувчилар иш устида.**

Б.АКРОМОВ
олган суратлар.



## БОЗОРДА НАРХ-НАВО ҚАНДАЙ?

| № | Номи | Тошкент | Андижон | Наманган | Фарғона | Самарқанд | Термиз | Қарши | Бухоро | Навоий | Урганч | Нукус |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Картошка | 105 | 90 | 80 | 85 | 88 | 100 | 65 | 100 | 100 | 105 | 125 |
| 2. | Сабзи | 73 | 40 | 40 | 38 | 65 | 45 | 55 | 60 | 55 | 75 | 103 |
| 3. | Пиёз | 225 | 200 | 230 | 215 | 230 | 250 | 105 | 160 | 240 | 240 | 325 |
| 4. | Бодринг | 700 | 700 | 600 | 900 | 475 | 700 | 500 | 600 | | 600 | 750 |
| 5. | Помидор | 725 | 800 | 800 | 1250 | 525 | 900 | 500 | 775 | | 1000 | 1250 |
| 6. | Гуруч | 310 | 280 | 280 | 275 | 315 | 320 | 250 | 275 | 325 | 255 | 290 |
| 7. | Мол гўшти | 1000 | 950 | 900 | 950 | 925 | 900 | 850 | 800 | 800 | 775 | 800 |
| 8. | Қўй гўшти | 1200 | 1200 | 1200 | 1200 | 1050 | 1200 | 1000 | 800 | 800 | 950 | |
| 9. | Сут (литр) | 100 | 80 | 75 | 80 | 95 | 80 | | 67 | 95 | 75 | 110 |
| 10. | Тухум (дона) | 65 | 45 | 42 | 55 | 38 | 45 | 50 | 38 | 40 | 40 | 47 |

## ДАСТУРГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИЛДИ

***Ишсизлик бугуннинг долзарб муаммосига айланган. Уни бартараф этиш борасида Сирдарё вилоятида ҳам бирқанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.***

Вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси томонидан шаҳар ва туман марказларида ярмаркалар ташкил этилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида Гулистон шаҳри, Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Сирдарё туманларида бўш ўринлар ярмаркаси ўтказилди.

Иш билан таъминлашга кўмаклашиш учун Давлат жамғармаси ҳисобидан вилоятга ажратилган қарийб 99 миллион сўмлик қисқа муддатли имтиёзли кредит чорвачиликни, тадбиркорликни, деҳқон-фермер ҳаракатини ривожлантиришга йўналтирилди.

Шунингдек, меҳнат биржалари билан жойлардаги ҳокимликлар яқин алоқада эканликлари ва айрим муаммоларни биргаликда ечаётганликлари туфайли вилоят бўйича 219 та ташкилот ва корхонада ўтган йили 5326 та янги иш ўринлари яратилди. Меҳнат биржалари томонидан шунинг 2241 таси банд этилди ва унга асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар жойлаштирилди. Шуниси эътиборга моликки, уларнинг 1373 нафари олий ва ўрта махсус билим юртларини тугатиб келган мутахассис, 11 нафари ногирон, 54 нафари нафақадор 274 нафари ҳарбий хизматдан қайтган ёшлар, 109 нафар қамоқ жазосини ўтаб қайтган фуқаролар ҳисобланади.

ЖАРАЁН

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш бошқармаси ва унинг шаҳар ва тумандардаги бўлимлари илгари қабул қилинган дастурга бир қатор ўзгартиришлар киритдилар. Унда қўлидан иш келадиган ҳар бир фуқарони меҳнат қилиши учун зарур бўлган шарт-шароит яратиш, айниқса, ёшларга катта эътибор бериш масаласи кўндаланг қўйилди. Шунинг билан биргаликда ишлаётган ва вақтинча ишсиз сифатида рўйхатда турган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишни дастлабки ўринга чиқардилар. Буларни амалга ошириш учун улар бор куч-қувват ва имкониятларини ишга солишмоқда.

**Ортиқ СУЛТОНОВ**

# «ЎЗҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ» ТАЪСИС МАЖЛИСИ

**_Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акционерлик компаниясининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди._**

Унда тегишли вазирлик, қўмита, компания, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, жойлардан сайланган делегатлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков мажлисни очар экан, қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимё-

ДАВР

вий ва биологик воситалари билан таъминлашни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига агрохимиявий хизмат кўрсатишнинг яхлит тизимини ташкил этиш мақсадида тузилаётган компания олдида турган муҳим вазифаларга тўхталди.

Мажлисда компаниянинг Низом ва дастури қабул қилинди. Компания ва унинг ҳудудий бошқарув органлари таркиби, тузилиши, вазифалари белгиланди. «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акционерлик компанияси бошқаруви раиси этиб Ф. Юсупов сайланди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

# АСАЛИ ДАВО, ЗАҲРИ ШИФО

**_“Асал” ширкат хўжалигида бўлган киши машойихларнинг бу сўзларида жон борлигига ишонч ҳосил қилади._**

Тоғлар этагида жойлашган Қорабулоқ қишлоғи бетакрор гўзаллиги билан кўзга ташланади. Бепоён қир-адирлар, оппоқ қор билан қопланган осмонўпар тоғлар, бир учи уфққа туташ боғу роғ, арчазорлар... Ҳавосини айтмайсизми! Тўйиб-тўйиб нафас оласиз. Вақт ўтган сайин кайфиятингиз яхшиланади. Баҳорда ён-атроф янада гўзаллашади. Қир-адирлар кўм-кўк либос кияди, турфа хил гуллар ўзига чорлайди. Тоғлар эса қор билан қопланган бўлади. Ҳа, бир ёқда шаҳар! Бир ёқда эса... Қишлоқ ўртасидан катта канал оқади. Сувини ичиб тўймайсиз, булоқ суви-да!

Қорабулоқда соғлом авлод яшашига шу каби қулай шароит сабаб бўлаётгандир, деган хаёлга борасиз. Лекин яна муҳимроқ масала борга ўхшайди. Қорабулоқликлар бу масалага аллақачонлар аниқлик киритишган. Хўжалик асалчиликка ихтисослаштирилган. Деярли ҳамма ҳовлида асал етиштирилади. Асал бўлганда қандай! Етти иқлимни айланиб чиқсангиз ҳам Қорабулоқ асалига тенг келадиган асални тополмайсиз.

ТАРАҚҚИЁТ

-Бултурги олган асалимиз икки тоннадан ошди. Хўжаликка бир тоннаю юз кило асал топшириб, шартномани бажардик...

Ижарачи Сайдали Эсановнинг бу сўзларидан ким ҳам завқланмайди, дейсиз. Оиланинг йиллик даромади ярим миллион сўмдан ошган.

-Барибир асал асал экан. Килосини минг сўмдан сотаман. Ярим миллион сўмми?

-Нархи қиммат эмасми?

-Нимаси қиммат? Арзон денг. Май ойида олган асални бир минг беш юз сўмдан сотаман. Ўзиям еб тўймаймиз. Самарқанду Тошкентдан келиб олиб кетишади. Бу асалдан есангиз, бир умрга соғ юрасиз. Чақалоғи бор аёллар учун турган битгани дори-дармон. Сиз бўлса қиммат дейсиз? Қайси куни Қарши деҳқон бозорига борсам катта раста асалга тўлиб кетган. Сотувчиларга яқин бориб қаернинг асали деб сўрасам, Китобдан дейишди. Юрагим ўйнаб кетди. Китобликка ўхшамайсиз, дегандим ранги оқариб қаердан билдингиз, деди. Асалнинг рангидан дедим.

-Ранги қандай бўлиши керак, - деди у.

-Олтин мисол товланиб туради.

Сотувчи жим қолди. Текинга берса ҳам бундай асални болаларимга едирмайман. Яхшиси, шакар ейишсин.

-Шакар арзон-да, - дедим ҳазилга йўйиб.

-Арзонлиги учун эмас, ўша бозордаги асалдан таъми яхши ва тоза. Инсофсизликни қарангки, баъзи кишилар йил ўн икки ой шакар сотиб олишгани олишган. Нимага деганда бир кило шакар кўпи билан уч юз сўм. Уни асалга аралаштириб, килосини икки, уч баробар қимматга сотишади. Инсоф қани?!

-Хўжаликда қанча асалари оиласи бор?

-Тўрт ярим мингдан ошади. 68 ижарачи ишлаяпти. Китобда ҳақиқий асаларичилар бор. Асалимиз тоза, тоғда ўсадиган ўсимлик гуллари ҳисобига асал олмоқдамиз.

-Сайдали Эсанов хўжаликка келтираётган фойдасини айтмаяпти, - деди суҳбатимизга қўшилган хўжалик раҳбари Тўйчи Ҳакимов, - йиллигини оладиган бўлсак, бир миллион сўмдан ошади. Бундай олганда қозон ҳам мой, чўмич ҳам. Маҳсулотнинг сифати ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Қорабулоқ асали десангиз бўлди. Харидор нархини суриштириб ўтирмайди. Ўзиям асалмисан асалда. Дастурхонга бир коса асал қўйилса, ҳаммаёққа иси таралади.

Одамларимиз меҳнатни жондан севишади. Тўғри, асал етиштириш қийин иш. Лекин асаларининг инсонга катта фойда келтиришини яхши билишади. Бултур йил оғир келди. Лекин мўлжалдаги маҳсулот олинди. Эл дастурхонига 24 тоннадан кўп маҳсулот тортиқ этилди.

“Асал” ширкат хўжалиги раҳбари айни пайтда эртанги кун ҳақида кўпроқ қайғурмоқда. Асални кўпайтириш йўлларини излайди, асаларилардан гулчанги, асалари сути, асалари мўмиёси, асалари заҳари олишни йўлга қўйиш учун зарур чора-тадбирлар белгилаяпти. Яқин келажакда маҳсулот олиш 50 тоннага етказилади. Асални четга чиқариш масаласи ўз ечимини топади. Шу йўл билан хўжалик иқтисоди янада мустаҳкамланади.

**Бозор ЭРҚОРОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

ОБОДОНЧИЛИК

# НАВРЎЗ ВА ОРАСТАЛИК

**_Юртимизда халқимизнинг азалий ва абадий байрами - Наврўз эшик қоқмоқда._**

Ҳадемай Қуёш Ҳамал буржига қадам қўяди, кун билан тун тенглашиб Наврўз, яъни янги кун, янги фасл - навбаҳор бошланади. Кексалар ҳамал кирди, - амал кирди деб бежиз айтмайди. Бу вақтда табиат уйғониб яшаради, боғлар сабза уриб, гуллар ханда қилади. Рисқрўзимиз одаматоси - деҳқон далага ошиқади.

Қадим Турон заминда Наврўз тараддуди, уни кутиб олиш, байрам қилиш билан боғлиқ ибратли урф ва анъаналар азал-азалдан шаклланиб келган. Жумладан, Х1 асрнинг улуғ тилшунос алломаси Маҳмуд Қошғарий «Девону луғатит турк» асарида Наврўз байрамига бағишланган халқ қўшиқларидан ажойиб намуналар келтирган. Умар Хайём ўзининг «Наврўзнома»сида қутлуғ байрам арафасида эл-юртда уй-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар билан безаш, ота-она, яқинлари билан дийдорлашиш урф бўлгани ҳақида ёзган.

Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда неча минг йиллар давомида аждодларимизнинг қон-қонига сингиб кетган Наврўз қайта тикланибгина қолмай, тобора янги мазмун, янги анъаналар билан бойимоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» ўтказиш тўғрисида»ги қарори бунинг яна бир яққол далилидир. Унда умумхалқ байрамини муносиб кутиб олиш, юртимиз табиатини соғломлаштириш, мамлакатимиз чиройига чирой қўшиш, аҳоли ўртасида табиат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтириш, баҳорги ободонлаштириш ишларини кенг кўламда ташкил этиш кўзда тутилган.

Шу йил 21 февралдан 21 мартгача ўтказиладиган бу тадбир давомида диёримизда мавжуд боғлар, дарахт ва буталарга агротехник ишлов ва шакл берилади, барча йўллар таъмирланади, зовур ва ариқлар, дам олиш масканлари, бозор ҳудудлари, қабристонлар тозаланади, тартибга келтириб ободонлаштирилади. Янги боғ-роғлар барпо этилади. Маҳаллалар, кўп қаватли уйлар атрофини, айниқса, меҳрибонлик ва қариялар уйлари, болалар боғчалари, касалхоналар ҳудудларини янада ободонлаштириш, уларнинг атрофига манзарали ва мевали дарахтлар экишга алоҳида эътибор қаратилади. Барча жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ҳашарлар ўтказилади. Бир сўз билан айтганда, шаҳар ва қишлоқларимиз чиройига чирой, кўркига кўрк қўшилади.

Меҳр-мурувват, саховат ва хайрия тадбирлари янада кўпаяди. Байрам арафасида меҳрибонлик ва қариялар уйлари, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш кучайтирилади. Аҳоли ўртасида тозаликка риоя этиш, атроф муҳитни ҳимоя қилиш, экологик тарбияни янада жонлантириш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилади.

Наврўз ҳақида гап кетганда, беихтиёр Навоий ҳазратларининг келгуси авлодларнинг ҳар бир кечаси қадр кечасидек хайрли, қутлуғ, ҳар бир куни эса янги кун - наврўздек чароғон бўлсин деган эзгу тилаги акс этган қуйидаги байти ёдга тушаверади:

**Ҳар тунунг қадр ўлубон,**
**ҳар кунинг ўлсин наврўз.**

Янги аср, янги мингйилликнинг илк Наврўз байрамини яхши ният, зеболик ва поклик, хайрли ва савобли ишлар билан кутиб олаётган бунёдкор халқимизга шундай саодатга эришиш насиб этаверсин.

**Ёқуб ИБРОҲИМОВ**
**(ЎзА)**



**Бекобод туманидаги Мирзо Улуғбек номли жамоа хўжалигида чорвачиликка алоҳида эътибор бериляпти. Шу туфайли фермада боқилаётган 700 бошга яқин қорамолнинг маҳсулдорлиги ошиб бормоқда.**

**СУРАТДА: хўжалик бош зоотехниги Абдужалил Маллабоев сут соғувчилардан Комила Номозова, Гуландоз Ҳошимова ва Наргиза Эгамқуловаларга тегишли йўл-йўриқлар беряпти.**

Е.БОТИРОВ олган сурат.

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## СОВУҚ УРУШ ТУГАГАН

**_Кемп-Девидда АҚШ президенти Жорж Буш ҳамда Буюк Британия бош вазири Тони Блэр ўртасида бўлиб ўтган суҳбат чоғида савдо-сотиқ, Американинг ракета ҳужумидан мудофаа тизими ва Ироққа нисбатан олиб борилаётган ғарб сиёсати масалалари ўртага ташланди._**

Учрашувлардан сўнг Жорж Буш журналистлар билан суҳбатда “Совуқ уруш даври тугаган, Россияни душман сифатида ҳисобламаймиз, биз тинчликсевар халқмиз, фақат хавф билан дуч келганимизда ўз технологиямиз билан ўзимизни мудофаа қилишимиз лозим”, - деди. Бу ҳақда “Новости” ахборот маҳкамаси хабар берди.

## МУНОСАБАТЛАР ЯХШИЛАНМОҚДА

**_“AK andM”нинг хабар беришича Чехия республикаси парламенти 1999 йилда Югославияга нисбатан жазо чоралари қўллаш ҳақида қабул қилинган қонунни бекор қилди._**

Бу ҳақда Чехия ташқи ишлар вазири Ян Каван Югославия давлатига оммавий қўлланилган жазо чоралари Куба, Ироқдагига ўхшаб мустабид тузум жабрини чеккан оддий халққа эмас, балки ҳокимият тепасида турган якка ҳукмдорларга қарши қаратилган эди, дея изоҳ берди.

## ОВРУПО ИТТИФОҚИНИНГ МУРОЖААТИ

**_Келгуси йилнинг январ ойидан тўла кучга кирадиган Умумоврупо валютасининг истеъмолга жорий этилишида муаммолар пайдо бўлмаслиги учун Оврупо Иттифоқи махсус мурожаат билан чиқди._**

Унда Ғарб давлатларида фаолият кўрсатаётган ўрта ва кичик корхоналарнинг ҳозирданоқ “евро” пул бирлигида муомала қилишлари сўралган. Бу ҳақда валюта сиёсати ва иқтисодий масалалар бўйича комиссар Педро Солбес ахборот берар экан, ўрта ва кичик корхоналар ҳисоб-китоб хизматини еврода олиб боришлари мазкур валютанинг миллий ҳамда халқаро миқёсдаги мавқеини кўтарилишига хизмат қилади, деди.

## ЧЕГАРАДА ТЎХТАТИЛГАН ЗИЁРАТЧИЛАР

**_Бирлашган Араб Амирликлари ва Саудия Арабистони ўртасидаги чегара ҳудудида Тожикистон Республикасининг 450 нафар зиёратчилари Саудия чегара хизмати томонидан тўхтатиб қўйилди._**

Маълум бўлишича, ҳаж зиёратига автобусда келаётган тожикистонликлар орасида паспортдаги визада самолётда келиши кўрсатилган йўловчилар ҳам бор экан.

Ал-Хувайфот чегара пунктидаги паспорт назорати хизмати бошлиғи майор Холид Амирнинг таъкидлашича, ушбу ҳажга ташриф буюрувчилар сафарни уюштирган тожик компанияси томонидан алданганлар. Аммо шунга қарамасдан Саудия Арабистони масалани тўғри тушуниб, уни ижобий ҳал этишга уринмоқда.

**Молиявий Янгиликлар Агентлиги**
**“Виртуал кутубхонаси” билан**
**ҳамкорликда тайёрланди.**

# НАРЗУЛЛА АКАНИНГ НИЯТЛАРИ

**(Боши 1-бетда)**

1964 йил Нарзулла ака ўзи туғилиб ўсган Каттақўрғон туманидаги Мойбулоқ жамоа хўжалигида мутахассислиги бўйича ўз фаолиятини бошлади. Узоқ йиллар ана шу хўжаликда бош ветеринария врачи, Мойбулоқ фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари вазифаларида самарали хизмат қилди.

1991 йил Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги шарофати туфайли Нарзулла аканинг ёшликдаги орзуси амалга ошди. У туман ҳокимининг қарори билан фермер хўжалиги ташкил этди. Ана шу хўжаликка “Усмонбулоқ” номини қўйди. Оила аъзолари билан 11 гектар ерда деҳқончилик ишларини бошлади.

Очиғини айтганда хўжаликнинг дастлабки фаолиятини юргизиш осон бўлмади. Бир неча йиллардан буён қақраб ётган дашт ерини тартибга солиш, ундан экин ундириш учун сув келтиришнинг ўзи бўлмади. У оила аъзолари билан маслаҳатлашиб "28-Т" тракторини сотиб олди, бир ярим километр масофадан электр линиясини тортиб келди, трансформатор ўрнатди қудуқ қазишга эришди. Ана шу ишлардан сўнг фермер хўжалиги фаолияти анча жонланди.

Шунингдек, фермер хўжалигида битта ун ва битта озуқа тайёрлаш тегирмонлари, ёғ-жувоз, темирчилик устахонасини қуришга муваффақ бўлди. Дастлабки йилда 40 та товуқ олиб, уни 200 тага кўпайтиришга эришди. Бундан ташқари 20 бошга мўлжалланган молхонани ҳам қуриб 8 бош мол сақлашга эришди. Ҳалол ва фидокорона меҳнат туфайли Нарзулла ака Эрназаров бошлиқ оилавий фермер аъзолари ўтган йили 11 тонна пиёз, 500 килограмм кунжут, 4 тонна беда, 4,5 тонна қовун-тарвуз ва сабзи, шолғом маҳсулотлари етиштиришга эришдилар.

Нарзулла Эрназаров раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги меҳнат аҳлидан туман халқ таълими ходимлари ҳам беҳад мамнун. Негаки, у ўз еридан етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир қисмини туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги болалар муассасаларига етказиб бермоқда.

Нарзулла аканинг янги асрдаги ниятлари янада улуғ. У жорий йилда мавжуд 21 гектар майдонда деҳқончилик қиляпти. Мақсади бу йил 15 гектар майдондан сара дон етиштириш, ҳосилга кирган 2 гектар токзордан ширин шакар узум олиш. Бугина эмас. У 48 минг дона теракни вояга етказди. Ҳозир ана шу тераклар иморатбоп бўлиб қолган. 1 гектар майдонда яратилган мевабоп дарахтлари ҳам кўзга ташланиб қолди. Нарзулла аканинг ана шу боғдан ҳам бу йил катта ҳосил олиш нияти бор. Бундан ташқари 2 гектар ерда турли хил ниҳоллар етиштирмоқда. Бу ҳам фермер хўжалиги учун даромад манбаидир.

Хуллас, Нарзулла ака орзуларига эришди. “Усмонбулоқ” фермер хўжалигининг ривожланишида эса ҳар ҳафта якшанба куни дастурхон атрофида йиғилган фарзандларнинг меҳнатлари бекиёсдир. У болажонлари борлигидан ҳам ўзини беҳад бахтиёр ҳис этади.

**Асқар ЖАЛИЛОВ**

# БАЛО БОШИДАН ДАФ БЎЛСА АГАР...

Ўтган асрдаги энг катта муаммолар, хусусан уюшган жиноятчилик, терроризм, қурол-яроғ тарқатмаслик, қашшоқлик, гиёҳвандлик, алкоголизм, СПИД хасталиги каби “бошоғриқлар” янги асрга ҳам кўчиб ўтди. Улар орасида гиёҳвандлик иллати башариятни қаттиқ ташвишга солаётган масалалардан биридир. Буни яхши англаган халқаро нуфузли ташкилотлар, соғлиқни сақлаш маҳкамалари, олимлар, мутахассислар, давлат арбоблари, қолаверса, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳозирдан бошлабоқ бу балога қарши якдиллик билан “ўт очдилар”.

АҚШда соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ижтимоий хизматлар тизилмасига мансуб гиёҳвандлик муаммолари билан шуғулланувчи миллий институт бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Айниқса, кейинги пайтларда ёш авлодни гиёҳвандлик офатидан муҳофаза қилиш борасида ўзига хос йўл тутилди. Шунга кўра АҚШ оммавий ахборот воситалари телекўрсатув жамоат баённомаларини эфирга узатиш, радиоэшиттирувларда фойдаланиш, турли хил нашрларда чоп этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда “Америкэн джорнэл оф паблик хэлф” (“Америка соғлиқни сақлаш журнали”) телекўрсатувдаги жамоатчилик баённомаларининг келтираётган нафи ҳақида қизиқарли мақолалар эълон қилди.

ХАЛҚАРО ШАРҲ

Олимларнинг фикрига қараганда, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш тамойили қўллинила бошлаганидан буён мамлакат бўйича ёшлар ўртасида гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш деярли 27 фоизга камайган. Хулосалар Лексингтон, Фейетт, Нокс шаҳарларида истиқомат қилувчи 3 мингдан зиёд мактаб талабалари устида олиб борилган тажрибалар асосида чиқарилган. Кентукки дорилфунунидаги тадқиқот гуруҳи раҳбари доктор Филипп Палмгрим гапларига қараганда, гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчи ёшларни бу йўлдан бемалол қайтарса бўлади. Бизнинг “СЕНТАР” дастури асосида олиб борган кузатишларимиз буни тўлиқ тасдиқламоқда, деди олим.

**Халқаро шарҳловчи:**
**Р.УМАРОВ.**

ТАДБИРКОРЛИК

# ФАОЛИЯТИМИЗ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

**_Янги аср бошида, табиийки, ортга назар ташланади. Кўплар қатори мени ҳам бу ҳолат тарк этмаяпти._**

Босиб ўтилган йўл мамлакат миқёсида оламшумул аҳамият касб этса, унинг ҳар бир фуқароси, жумладан, менинг ҳаётимда ҳам туб бурилиш содир бўлганидан фахрланаман. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин эркин меҳнат учун берилган имтиёзлар айни муддао бўлди.

Тадбиркорликка кенг йўл очилгач, касбимни ўзгартириб, фермерлик билан шуғулландим. 20 нафар аъзомиз билан деҳқончилик қиламиз. Ихтиёримизда 39 гектар ер бор. Ўтган йилнинг қийинчиликларига қарамай, гектаридан 50 центнердан дон, 34 центнердан пахта олиб шартнома режаларимизни ошириб бажардик. Умумий даромадимиз 7 миллион сўмни ташкил этса, унинг 2,4 миллион сўми соф фойдадир. Ишчиларимизнинг ўртача ойлик маоши 12-13 минг сўмга тўғри келди. Шунинг ўзи мулкдор манфаатининг кўпайиб бораётганлигини кўрсатади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг йиғилиши бўлиб ўтган эди. Унда Президентимиз катта нутқ сўзлаб, "Қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона ва муносиб равишда фойдаланиш – бу борадаги фаолиятимизнинг асоси бўлмоғи даркор" дедилар. Демак, бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, биз фаолиятимизни янада кенг доирада олиб боришимиз талаб этилмоқда.

Президентимиз даъватига кўра янги режалар туздик. Келгуси йилда дон ҳосилдорлигини 60 центнерга, пахтани эса 45 центнерга етказиб ҳам давлат манфаатдорлигини, ҳам аъзоларимиз даромадини кескин кўпайтириш чораларини кўраяпмиз. Бунинг учун кузги дон экинларини агротехника талаблари асосида парваришлаяпмиз. Пахта майдонимиз ўтган йил кузидаёқ 45-50 сантиметр чуқурликда шудгорлаб қўйилган эди. Айни пайтда майдонлар тўлиқ қиш сувига қондирилиб суғорилди. 2 та “МТЗ” ва “Т-28” тракторларимиздан дала ишларида унумли фойдаланаяпмиз.

Айтмоқчиманки, Юртбошимиз тадбиркорлар ҳақида шунчалик ғамхўрлик қилаётган эканлар, биз ҳам бутун куч ва имкониятларимизни ишга солиб, мамлакатимизнинг истиқболда янада фаровон бўлишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

**Султон ҚУРБОНОВ,**
**Ромитан туманидаги “Қурбон-Намоз” фермер хўжалиги раҳбари.**

# ОРТИҚЧА ХАРАЖАТГА НА ҲОЖАТ?

**(Боши 1-бетда)**

Мўминбой Худойберганов – хўжалик ташқи бошқарувчиси:

-Санация – бу аввало, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, соҳани давлат томонидан мунтазам равишда қўллаб-қувватлаш борасидаги сиёсатнинг бир кўринишидир. Яъни, иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган хўжаликларга ўз имкониятларини юзага чиқаришда мададкор бўлинди. Бу борада барча имтиёзлар берилди.

“Сендан ҳаракат, мендан баракат” деганларидек, аввало, биз ички имкониятларни ишга солдик. Ишни хўжалик аҳволини ўрганишдан, қолоқлик сабабларини аниқлашдан бошладик. Тажрибали деҳқонлар билан суҳбатлашдик. Сурункасига режани бажаролмай келаётган 11 нафар бош пудратчилар алмаштирилди. Мурод Матназаров, Дўстжон Матжонов, Ўктам Рўзметов, Икром Собировлар ўрнига Собир Жуманиёзов, Шоназар Ёқубов каби ишнинг кўзини биладиган кишиларни жамоа етакчилигига тайинладик. Хато қилмаган эканмиз, натижаси кутганимиздай бўлди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 15 километрлик хўжаликлараро зовур қазилди. 229 километрлик ички ариқлар яхшилаб тозаланди. Илгари дарёга яқин бўлган, кам ҳосилли ерларимиз ўрнига 370 гектар ҳосилдор ерлардан ажратиб берилди. Шу майдонларда 45 центнергача пахта ҳосили олаяпмиз. Булар ишга бўлган рағбатимизни ҳам, масъулиятимизни ҳам оширди. Муваффақиятлар омили, аввало, кишиларнинг манфаатдорлигига, уларнинг чин кўнгилдан меҳнат қилишига боғлиқ. Шунинг учун шартнома қоидаларига қатъий риоя қилдик. Даромаднинг 30-35 фоизигача ижарачининг ўзига берилди. Фойданинг бир қисмини техникани юргизишга, янгисини сотиб олишга сарфладик. Асосий эътибор уруғнинг сара бўлишига, эрта экишга қаратилди. Бир сўз билан айтганда, санация ёрдамида қаддини тиклаган хўжалигимиз яна аввалги довруғига эришишига ишончимиз комил.

Алишер Жабборов – бош ҳисобчи:

-Санация баъзи бировлар ўйлагандек имтиёз эмас, балки унинг ҳам ўз тартиб-қоидалари бор. Бу, аввало, ички имкониятларни юзага чиқариш, ундан самарали фойдаланиш демакдир. Бунинг учун мукаммал бизнес режа тузилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар, ҳосилдорлик, маҳсулот баҳоси, рентабеллик каби асосий омиллар ҳамиша эътиборимизда. 1997 йилда 1773 гектар майдонга чигит экилиб, фақат пахтачиликдан 10 миллион 587 минг сўм, сабзавот етиштиришдан эса 400 минг сўм зарар кўрилган эди. Буларнинг бир қисми маъмурий харажатларга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам бошқарув тизимидаги кадрларнинг учдан бир қисми қисқартирилди. Экин майдони пахтачиликда ҳар бир ижарачига ўртача 1,4 гектардан кам бўлмаган ҳолда тақсимланди. Ортиб қолган ишчи кучи бошқа жойларга, хусусан, саноат корхоналарига жалб қилинди. Туман маркази жамоа хўжалигимиз аҳоли яшаш жойларига туташ бўлганлигидан бу борадаги тадбирларимиз ҳам муваффақиятли амалга оширилди.

Ҳар бир ишда тежамкорликка эътибор берилмоқда. Навоий ва Чирчиқдаги минерал ўғит ишлаб чиқарувчи заводлар билан тўғридан тўғри шартнома қиламиз. Шундан ҳам анча маблағ тежалади.

Мавжуд 38 та насосимиздан ҳозиргача 20 таси электрлаштирилди. Ҳар бир сув насоси учун илгари кунига 350-400 литрдан ёнилғи кетишини айтсак, мазкур ишимиз самарасини кўз олдимизга келтириш қийин эмас. Фақат шу ҳисобдан 1998 йилда 488 тоннадан зиёд ёнилғи тежалди. Шунингдек, ерларни ҳайдашда четдан куч талаб қилмадик. Ўзимизнинг К-700, “Олтой” тракторларидан унумли фойдаландик.

Ўтган йилда бутун воҳада сув камчил бўлгани ҳаммага маълум. Нақадар қийин келган шу йилда ҳам деҳқонларимиз давлатга 5034 тонна “оқ олтин” сотдилар. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирда ҳисобимизда 37 миллион сўм пулимиз бор.

Ҳақиқатан ҳам синовдан кўзланган мақсадга эришган сарапоёнликлар муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш учун ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, мўл ҳосилга замин ҳозирламоқдалар.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 27 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*(**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 176,14 | 1 Австрия шиллинги | 22,29 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 486,80 | 10 Бельгия франки | 76,02 |
| 1 Голландия гульдени | 139,15 | 10 Греция драхмаси | 9,01 |
| 1 Дания кронаси | 41,10 | 1 БАА дирхами | 91,10 |
| 1 АҚШ доллари | 334,55 | 1 Миср фунти | 86,11 |
| 10 Испания песети | 18,43 | 100 Италия лираси | 15,84 |
| 1 Канада доллари | 217,78 | 1 Хитой юани | 40,42 |
| 10 Люксембург франки | 76,02 | 1 Малайзия ринггити | 88,05 |
| 1 Германия маркаси | 156,79 | 1 Польша злотийси | 81,10 |
| 1 СДР | 429,75 | 1000 Туркия лираси | 0,31 |
| 1 Финляндия маркаси | 51,57 | 1 Франция франки | 46,75 |
| 1 Швейцария франки | 199,97 | 1 ЕВРО | 306,65 |
| 10 Жанубий Корея вони | 2,68 | 10 Япония иенаси | 28,84 |
| 1 Россия рубли | 11,66 | 1 Украина гривнаси | 61,62 |

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

# ТАРИХШУНОСЛИКДА ЯНГИ САҲИФА

(Боши 1-бетда)

Унинг Туркистонга қилган юриши рус киборларининг, энг аввало, Петр I нинг бу ўлкани Россиянинг мустамлакасига айлантиришдек ёвуз ниятини юзага чиқариш билан узвий боғлиқ эди.

Мустамлакачилик бу - қурол ва зўравонлик билан тобеъ этилган, одамлари қулликка, халқи талон-торожга қолган юртнинг фожиаси, заволидир.

Юртбошимиз ташаббуси билан Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида "Ўзбекистоннинг янги тарихи" марказининг ташкил этилиши, 1998 йил 20 июнда у кишининг тарихчи олимлар, журналистлар ва жамоат арбоблари билан қилган мулоқоти, шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги махсус фармойиши тарихимиз, бой ўтмишимизни қайта тиклаш, бугунги кунимиз ва нурли келажагимиз учун қўйилган тамал тошлари бўлди, дейиш мумкин.

Ўзбекистон янги тарихининг биринчи китоби нашр этилишида юқорида зикр этилган давлат ҳужжатлари билан бир қаторда Президентимизнинг асарлари, нутқ ва мақолаларида илгари сурилган ғоя ва фикрлар услубий асос бўлиб хизмат қилганини алоҳида қайд этмоқ зарур.

Мустақилликнинг ўнинчи йилида яшаяпмиз. Бу тарихан ниҳоятда қисқа давр ҳаётимизни, онгимиз ва тафаккуримизни ўзгартириб юборди. Дарҳақиқат, ана шу мустақиллик йиллари мамлакатимиз тарихида бутунлай янги даврни бошлаб берди. Мустақил ҳаёт, мустақил тараққиёт жуда кўп курашлар, қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар маҳсули эканлигини, бу шунчаки оддий воқеа эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бироқ ана шу зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар остидаги мантиқ, улар замиридаги ҳаёт қандай бўлган эди?

Мустақиллик мантиғи, истиқлол мазмун-моҳияти бевосита бутунлай янги тарихий шароитларда вужудга келаётган, шаклланаётган миллий давлатчилигимиз унинг мазмуни, сиёсати ва мафкураси билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам биз айни ана шу жараённинг бутун кўламини, моҳиятини англамоғимиз зарур. Зотан, бу бизнинг бугунимиз ва истиқболимиз қандай бўлишини белгилайдиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Салкам бир ярим асрлик мустамлакачилик ва, айниқса, шўролар даври зўравонлик сиёсатининг маҳсули сифатида сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан топталган инсоннинг маънавий-руҳий кечинмаларини англаш, унинг турмуш тарзи ва ҳаётга муносабатини нечоғлик белгилаб олиш айни мустақиллик даври ижтимоий-сиёсий жараёнлари моҳиятини ўзида мужассам этади. Шунинг учун ҳам биз "Ўзбекистоннинг янги тарихи" китобларида Истиқлол даври ижтимоий-сиёсий жараёнлари унинг онг ва тафаккур билан боғлиқ бўлган жиҳатлари, мустақиллик моҳияти, унинг умуминсоний қадрият эканлигини қайта-қайта таъкидлаймиз.

Китобни тайёрлашда бир гуруҳ мутахассис олимлар ва мазкур давр тарихи билимдонлари – Ҳ.Зияев, Р.Жумаев, Ш.Юсупов, Х.Ғуломов, И.Фозилхўжаева, С.Аҳмедов, Ш.Турдиев, Ф.Эргашев, Ж.Раҳимов, Д.Алимова, Ф.Қосимов, Н.Абдураҳмонова, С.Аъзамхўжаев, С.Ғайбуллаев, О.Ҳусанов, Ғ.Саломов ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари ва мулоҳазаларидан баҳоли қудрат фойдаланилди.

Китобга манба бўлган адабиётлар 4 даврни ўз ичига олади. Биринчи давр 1917 йилгача бўлган тадқиқотларни, иккинчи давр 20-50-йилларда, учинчи давр эса 50-йилдан то 80-йиллар биринчи ярмига қадар яратилган асарларни қамраб олади. Тўртинчи даврга оид адабиётлар тарихшуносликда "қайта қуриш" деб ном олган 80-йилларнинг иккинчи ярмидан то Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганига қадар ва мустақиллик йилларида вужудга келган асарлар мажмуидан иборатдир.

Биринчи даврга мансуб тарихий-илмий китобларда рус мустамлакачилик сиёсатига доир танқидий фикр-мулоҳазалар деярли учрамайди. Чунки уларнинг муаллифлари асосан бошқа халқларни талашдан, эзишдан манфаатдор бўлган дворян-помешчиклар, зобитлар, савдо-саноат корчалонлари, нуфузли амалдорлар бўлишган. Бу хил манбаларда кўпроқ Россиянинг Туркистонда қўллай бошлаган иқтисодий-сиёсий зуғумларини оқлаш, салтанат ҳукмрон доираларининг манфаати нуқтаи назаридан ўлкани ўзлаштириш бўйича яна қандай тадбирлар кўриш зарурияти баҳс этилади. Бу асарлардаги бош ғоя, етакчи йўналиш, қандай бўлмасин, салтанатнинг Туркистондаги тажовузи ва мустабид тизимини ғоявий асослашга, янги, "иккинчи рус Туркистони"ни барпо этиш учун зарур йўналишларни белгилашга қаратилиши билан боғлиқ эди. Бу жиҳатдан генерал-лейтенант М.Терентьевнинг "Ўрта Осиёнинг босиб олиниши тарихи" асарини қайд этиш мумкин. Ушбу китобда Ўрта Осиёнинг мустамлакага айлантирилиши аҳамияти кўрсатилиб, биринчи фотиҳ К. фон-Кауфманнинг "ўлкани ўзлаштирувчилик" фаолиятига таҳсинлар ўқилади. Муаллиф рус дворянлари ва капиталистларининг манфаатлари ҳимоячиси сифатида қалам тебратади.

Иккинчи даврга тааллуқли адабиётда Туркистон ўлкасидаги мустамлакачилик сиёсати ва унинг асосий йўналишлари, шунингдек, истиқлол учун олиб борилган курашлар қамраб олинади. Табиийки, бу мавзулар шу давр адабиётида, айниқса, 20-йиллар тарихшунослигида қатор муаллифларнинг асарларида турли даражада, турлича савияда ўз аксини топди. Муҳими шундаки, 20-йилларда қалам тебратган муаллифлар ўзлари тасвир этган, фикр юритган ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисаларнинг бевосита иштирокчилари бўлишган. Шу боисдан бу асарларда даврнинг мураккаб, зиддиятли, маҳзун руҳи уфуриб туради. Чунончи, мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳияти Г.И.Сафаров, П.Г.Галузов ва А.З.Валидий тадқиқотларида илк дафъа тўлароқ акс этди.

Инсоф билан айтганда, Г.И.Сафаров кенг қамровли далилий мисоллар асосида Туркистонда бор қудрати билан ишга туширилган мустамлака идораси машинаси кирдикорини ва подшоҳ амалдорларининг ўлка бойликларини аёвсиз талаганлигини, халқни асоратга солганлигини дадил кўрсатиб бера олган. Унинг шаҳодат беришича, рус сармоясининг ўлкага кириб келиши, яъни Россия империяси рамзи икки бошли бургутнинг човути Туркистон халқи турмушини остин-устун қилиб юборган.

Таниқли олим, маърифатпарвар ва жамоат арбобларидан Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар қори Абдурашидхонов каби ўзбек халқининг миллатпарвар фидойиларининг 20-йиллардаги матбуотда ёритилган катта-кичик мақолаларида Туркистондаги эски ва янги мустамлакачилик ҳамда истиқлол кураши тарихи ёритилган ва улар ҳам Туркистон тарихшунослигида ўз ўрнини топишга лойиқдир.

Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг 1927 йил Ўзбекистон маданиятчилари қурултойида қилган маърузаси Туркистонда чоризм сиёсатига қарши, истиқлол учун олиб борилган кураш саҳифаларини ойдинлаштирувчи нодир манбадир. Унинг сиёсий идора талаби билан ёзилган жадидчилик ҳаракати тарихига оид хотиралари ҳам ана шундай қимматли адабиётлар сирасига киради.

Андижон қўзғолони, унинг сабаблари ва аҳамияти тўғрисида 20-йилларда, ундан сўнг ҳам турли-туман фикр-мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, ўша 20-йилларда турли нуқтаи назарларда турган тадқиқотчилар ўз қарашлари моҳияти билан масалага турлича ёндошганлар. 1917 йилги тўнтаришга қадар ёзган тадқиқотчилар Андижон қўзғолонини сохталаштиришга уринганлар. Андижон қўзғолони тарихан холисликдан йироқ, хаспўшланган ва бир ёқлама тарзда баҳоланган.

20-йилларда шу тариқа босқинчилар зулмига қарши қаратилган инқилобий ва миллий-озодлик ҳаракатлари хусусида турли қарашлар, бир-бирига зид ғоялар ўртага ташландики, бу ҳолат тарихий тафаккурнинг ривожланиши ҳамда тадқиқотчилик савиясининг кўтарилишига қулай замин яратди. Аммо бундай ҳолат узоқ давом этмади.

30-йилларда тарих фанида социализм қуриш билан боғлиқ масалалар юзасидан бошланган мунозараларда холисликдан синфийлик мезонида ёндошувга ўтиш кайфияти кучайди. Туркистондаги социалистик инқилобнинг қонуний жараён эканлигини асослашга уринишдек сохта жазава авж олди. Тарихан илмий ҳалоллик ўрнини мавжуд ҳукмрон мафкурага хизмат қилиш истаги эгаллади. Тадқиқотчилик моҳиятини Туркистондаги иқтисодий-ижтимоий воқеликни шўро мафкураси нуқтаи назаридан баҳолаш ишғол этди.

Шу тариқа иккинчи давр адабиётида чоризм мустамлака сиёсати ва истиқлол учун кураш мавзуси маълум даражада ўз аксини топди. Аммо 50-йилларда қайта бошланган сиёсий қатағон бундай ижобий жараённи бўғиб ташлади.

Кўзда тутилаётган учинчи давр (50 - йиллардан – 80-йиллар биринчи ярмига қадар) адабиётида тарихни сохталаштириш ва бузиб талқин этиш соҳасида ўзига хос пойга авж олди. Бинобарин, Туркистон ўлкасида бўлиб ўтган барча миллий-озодлик ҳаракатлари ҳақида ижобий фикр билдириш у ёқда турсин, бор ҳақиқатни ёзиш гўё рус халқига қаратилган миллатчилик ҳаракати сифатида баҳоланар эди. Бу шу даражага бориб етдики, XIX аср иккинчи ярмидаги миллий-озодлик курашларига муносабат билдириш "улуғ рус халқи билан бўлган дўстликка рахна солиш" сифатида сиёсий хатога йўйилди. Масаланинг бу тарзда газакланиши "улуғ оға" вакилларининг айрим виждонли, ҳалол олимларида хижолат туйғусини уйғотмай қолмади. 1954 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон тарихига бағишланган илмий сессияда А.Сидоров айтган тубандаги гаплар диққатга лойиқдир:

"Ўрта Осиёнинг ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ва бошқа халқларининг турли шаклдаги ғалаёнлари, бу халқларнинг мустамлака истибдодига қарши кураши илғор ҳаракат деб баҳоланмаслиги – бу демак, халқ оммасининг тарихий воқеликдаги ижобий хизматини инкор қилинишидир. Унда тарихда нима ижобий ҳолат ҳисобланади? Миллионлаб халқ оммасини қонга ботирган подшоҳликнинг мустамлака идорасими? Ёҳуд бу истибдодга қарши курашми?"

Табиийки, бу сўзларга изоҳ ортиқча. Аммо, бундан қатъий назар, 50-йиллардаги оммавий сиёсий-ғоявий қатағон, хунрезлик тарихшуносликни каллаклаб, салбий таъсир ўтказдики, унинг оқаваси 60-80-йилларга қадар етиб келди. Жумладан, таниқли олимлар томонидан яратилган 4 жилдлик "Ўзбекистон ССР тарихи" (1970 й.) асарида шу салбий таъсир руҳи сезилиб туради.

Бироқ адолат нуқтаи назаридан, тарихий вазият ва коммунистик мафкура тазйиқини ҳисобга олган ҳолда айтиладиган бўлса, фикр юритилаётган даврнинг 70-80-йиллари бошларида бир қанча илмий-тарихий асарлар яратилдики, уларнинг илмий аҳамиятини пасайтириш ножоиздир.

Ўзбекистон 1991 йил 1 сентябрда истиқлолга эришгач, тарихшуносликда янги саҳифа очилди. Тарих фанлари доктори Р.Ражабова ҳақли равишда кўрсатганидек "тарихий манбаларга янгича ёндошиш ва кўплаб янги фактларни киритиш имконияти туғилганда инқилобий даврнинг долзарб масалаларига яна қайта мурожаат этиш, шу кунгача мутлақ ҳақиқат ва дахлсиз ҳисобланган концепция ва ҳолатлар гирдобидан халос бўлиш ҳамда 20-йиллардаги тарихшунослик меросини қайта таҳлил этиш фурсати етди. XX аср бошларидаги Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётини атрофлича тадқиқ этиш ниҳоятда муҳимдир". Ўзбекистоннинг янги тарихи шу тариқа ўтмишимизни холис ёритиш бўйича биринчи қадам вазифасини ўташи шубҳасиздир. Шу нуқтаи назардан мазкур тадқиқотни мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига муносиб туҳфа, деб айтсак арзийди

**Ҳамдам СОДИҚОВ,**
**тарих фанлари доктори.**



*Чойхоначи чойхўрга гир-гир парвона бўлса...*

Ш.ШАРОПОВ сурат-лавҳаси.

**ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ**

## АКУЛА ҲУЖУМИ

***Американинг Флорида штати университети олимлари 2000 йилда акулаларнинг дунё бўйича 79 марта инсонларга ҳужум қилганликларини ҳисоблаб чиқдилар.***

Уларнинг аксарияти, яъни 51 таси АҚШда, 7 таси эса Австралияда юз берган.

Бундай кўрсаткич сўнгги 40 йил ичида илк бор кузатилиб, 10 маротабасида одамлар акулага ем бўлган бўлсалар, шундан 3 таси Австралия давлатига тегишлидир.

## ТИМСОҲЛАР САЙРИ

***Яқинда Австралиянинг энг машҳур курорт шаҳарларидан бири бўлмиш Каирнсда юзага келган кучли сув тошқини туфайли шаҳар пляжлари харобага айланди.***

Дарҳол сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли хавфсиз жойга кўчирилди.

Сув сатҳи қарийб 4 метрга кўтарилиб, нафақат пляжларни, балки унга яқин бўлган жойларни ҳам қамраб олди. Бунинг оқибатида эса кўчаларда тимсоҳлар пайдо бўлди. Ҳодисадан хабар топган табиатни муҳофаза қилиш ходимлари оқиб келиб қолган сув жониворларини тутиб, денгизга қайтаришга киришдилар. Чунки узунлиги 2 метрли бир тимсоҳ тасодифан канализацияга тушиб қолиб, ҳаётига хавф туғилган.

# СПОРТ ОЛАМИДА

## ТАЛАБАЛАР БАРИБИР КУЧЛИ

***Яқинда Ўзбекистон Миллий Университети спорт саройида қўл тўпи бўйича эркаклар олий лига жамоаларининг республика чемпионати 1-тур мусобақалари бўлиб ўтди.***

Баҳсларда ЎзМУ (Тошкент), Спортклуб (Чирчиқ), "Тўқимачи" (Андижон), ОТМК (Олмалиқ), "Наманган" (Наманган) ҳамда БЎОЎСМ (Тошкент) жамоалари иштирок этди.

Албатта, ўйинлар жуда қизиқарли кечди. Ҳар доимгидек, жамоалар фақат биринчилик учун "жон олиб, жон беришди". Масалан, мусобақанинг дастлабки кунларида кончилар наманганликларга 24:34 ҳисобида ютқазган бўлса, чирчиқликлар жамоаси олимпия ўринбосарлари мактаби спортчиларини (36:10) доғда қолдиришди.

Талабалар эса биринчи уринишдаёқ тўқимачи биродарларини 35:28 ҳисобида мағлуб этиб, ўзларининг барибир устун эканликларини исботлаб қўйишди.

## ҲАҚОРАТНИНГ ЖАЗОСИ

***Футбол ҳеч қачон тортишувларсиз, турли хил тўполонларсиз ўтмаса керак. Балки миллионлар ўйини ана шундайлиги билан ҳам жозибали, қизиқарлироқдир.***

Италиянинг "Наполи" жамоасида тўп сурган бразилиялик ҳужумчи Эдмундога нисбатан 100 минг АҚШ доллари миқдорида жарима белгиланди. У, айтишларича, ўйинлар пайтида жамоа бош мураббийси Э.Мондиникони ҳақорат қилган. Ҳозирда Эдмундо мусобақаларда иштирок этишдан маҳрум қилинди. Бу ҳол футболчи то жаримани тўламагунча давом этса керак.

## НАТИЖАСИЗ РЕЖА

***Шу йил ёзида М.Тайсон ҳамда Льюис ўртасида ўтказилиши керак бўлган жанглар режаси бутунлай барбод бўлиш арафасида турибди.***

Ваҳоланки, бу жанглар учун профессионал бокс ҳомийлари 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишга тайёр эканликларини билдиришган, ҳар бир боксчига бу маблағдан 30 миллион доллардан нақд берилиши кўзда тутилган эди.

Бироқ Льюис Тайсонга нома юбориб, мазкур жангларнинг муддатидан норози эканини, қолаверса, ўзининг жангларга мутлақо тайёр эмаслигини баён этиши кутилмаган бир ҳодиса бўлди. Тўғриси, М.Тайсон Льюис билан бўлиб ўтадиган жанглардан жуда умидвор эди. Негаки, у 30 июнда туғилган кунини нишонлаб, ана шу жанг баҳона ўзига ажойиб совға ҳозирламоқчи бўлганди. Яна ким билади? Балки Льюисга ҳамкорлар чуқурроқ ўйлаб кўришни маслаҳат беришар.

## ҲАЛИ ҲАММАСИ ОЛДИНДА

***Москванинг "Спартак" футбол жамоаси ўз майдонида "Бавария" клубига 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйиши, шубҳасиз, кўпчилик мухлисларнинг кайфиятини тушириб юборгани аниқ.***

Бу ўйинда ҳамюртимиз Ирисметов ҳам қулай имкониятни бой бериб қўйган бўлса-да, майдонда ёмон ҳаракат қилмади.

Бироқ бир нарсани тан олишимиз керак. Футбол ҳам спортнинг бошқа турлари каби муваффақиятлар билан бир қаторда ҳар сафар мағлубият шаробини ҳам тотиб кўради. Бунга кўникиб бориш зарур, холос. Хуллас, "Спартак" бош мураббийси О.Романцев таъкидлаганидек, ҳаёт олдинда, мусобақалар эса давом этаверади.

**О.ҲАЙИТОВ тайёрлади.**

**МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ**

## НАВРЎЗ-2001

***Навоий вилояти Кармана туман А.Навоий номидаги маданият саройида вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси, вилоят халқ ижодиёти маркази ва туман маданият бўлими билан ҳамкорликда миллий урф-одатларимизни тараннум этувчи "Наврўз" умумхалқ байрами тантаналарига бағишланган "Наврўз-2001" фестивали ўтказилди.***

Вилоят ҳокими ўринбосари Дўстмурод Холиқулов раислигидаги ҳакамлар ҳайъати шаҳар ва туманлардан иштирок этган барча жамоаларнинг чиқишларини холисона баҳоладилар. Ўзининг ранг-баранг, бетакрор чиқишлари билан барчанинг олқишига сазовор бўлган Навбаҳор туманидаги Шуҳрат Мажидов раҳбарлик қилаётган "Кесган терак" фольклор жамоаси биринчи ўринга муносиб деб топилди. Шунингдек, иккинчи ўрин Навоий шаҳар "Дурдона" фольклор жамоаси ва Кармана туманида янги ташкил этилган фольклор жамоасига, учинчи ўрин эса Нурота туман "Нуржаҳон" фольклор этнографик ва Томди тумани бадиий жамоасига насиб этди. "Кесган терак" фольклор жамоаси Тошкентда бўлиб ўтадиган байрам тантанасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

## "ТОМОША"НИНГ ТОМОШАСИ

***Жиззахда вилоят маданият ишлари бошқармаси, фан ва таълим бошқармаси ҳамда вилоят болалар "Томоша" қўғирчоқ театр студияси ҳамкорликда "Оналар ва болалар йили"га бағишлаб, "Театр - болаларга" деб номланган театр кунларини ўтказмоқда.***

"Томоша" театр студиясининг асосий мақсади Келди Қодиров ва Нормурод Норматов асари асосида саҳналаштирилган "Томоша" спектаклини 10 кун мобайнида вилоят шаҳар, туманларидаги ўз мухлисларига намойиш этишдир. Шу билан бирга театр студияси Америка, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон давлатларига қилган ижодий сафар таассуротларини ўз мухлисларига гапириб бериш, қолаверса, келгуси иш режалари ҳақида уларни огоҳ этиш мақсадида қизиқарли учрашувлар уюштирдилар. Абдувоҳид Хўжаев раҳбарлигидаги театр студиясининг Жамол Мамараҳимов, Жаҳонгир Мухторов, Ғайрат Йўлдошев, Фарҳод Ҳасанов, Садоқат Мамараҳимовадан иборат актёрлари ижодий сафарларини ҳар томонлама мазмунли ўтказиш ва ўз мухлисларини хушнуд этиш учун бор истеъдодларини намойиш этмоқдалар.

**С.ЖЎРАЕВА.**

# НАМАНГАННИНГ МАВЖЛИ ДАРЁСИ ЭДИ

(Боши 1-бетда)

Ҳаммамиз ҳам яхши сўзнинг гадосимиз. Дўст-биродаларимиздан яхши гапни кутиб яшаймиз. Инсонни битта яхшилигини ўнта қилиб кўрсатишга, бир фазилатига ўн фазилат қўшиб айтишга, сийлашга устаси фаранг эди Турғунпўлат ака. Бағри бепоён далалардек кенг, мард ва танти инсон эди.

У мени сенсирарди. Иззатталаброқ одамман... Аммо Турғунпўлат аканинг сенсираши менга қаймоқдек ёқарди. Одатда меҳрибон тоға ўз севикли жиянини, жонкуяр ака ўз жондош жигарини шундай сенсирайди.

-Қалайсан!- дерди кўзлари ёниб қарсиллатиб қўл олишар экан Турғунпўлат ака, -Мақолангни ўқидим. Зўрсан!

Камина ўша етмишинчи йилларда Турғунпўлат ака ҳар сонида қатнашадиган газеталардан бири ҳозирги "Туркистон" газетасига бот-бот ёзиб турардим. Турғунпўлат ака ўша газетадаги мақоламни назарда тутарди.

Дунёда ҳеч бир кишининг мақтови ўз ҳамкасбингники каби ёқимли бўлмайди. Турғунпўлат аканинг ана шу сенсираши, ана шу "оширибрoқ" мақташи, эътирофи мен учун байрам эди.

1990 йилнинг қиши. Ўзим бехабар вилоят журналистлар ташкилотининг бир йиғинида собиқ иттифоқ Журналистлар уюшмасининг VII съездига делегат этиб сайланишибди. Съездга жўнашимдан учтўрт кун олдин Наманганга баъзи бир ҳужжатларни тўғрилаш учун бордим. Вилоят матбуот бошқармасининг бошлиғи Омонулла ака Қамбаров (худо раҳмат қилсин) хонасида Абдуфаттоҳ ака Ражабов, Эрмамат ака Нурматов, Ғуломжон ака Акбаров каби устозларим билан бўлажак Москва сафари ҳақида суҳбатлашиб турганимизда қаердандир Турғунпўлат ака келиб қолди. Одатича баланд кайфиятда шамолдек кириб келди у. Ҳамма билан ўзига хос йўсинда шодон сўрашди. Навбат менга келганда шартта белимдан қучоқлаб, даст кўтариб қўйди.

-Эшитдим, съездга вакил бўлибсан. Зўр иш бўлибди! Табриклайман!- деди у, сўнг хонадагиларга юзланди.

Вилоят "Наманган ҳақиқати" газетасида устозларим, дўстларим меҳнат қилади. Улардан бири умумиқтисодиёт бўлимининг мудири Мўминжон Сулаймонов. Ҳар гал таҳририятга борганимда "супержурналист" (ёзувчи Абдуғани Абдувалиев ибораси) Мўминжон ака хонасида узоқ қолиб кетаман. Мўминжон Сулаймонов Турғунпўлат аканинг туғишган укаси. Уни кўрганда Турғунпўлат акани кўргандек бўламан.

Бу гал юқоридаги воқеани Мўминжон акага айтиб берди.

-Ҳа, акам раҳматли ажойиб инсон эдилар,- дейди у. –Ҳиммати баланд, қалби очиқ, меҳр-оқибатли... Чўнтагида бир мириси бўлмаса ҳам ўзини минг қўйли бойдек тутарди. Борини аямасди... Кунларнинг бирида уйимдан чакка ўтиб кетди. Эрталаб идорага келиб хомуш ўтирсам акам келиб қолдилар.

-Нега хафа кўринасан?- сўради у киши. Бўлган воқеани айтдим.

-Бизникига бор. Эски уйни бузиб, шифер-тахтасини йиғиштириб қўйибман. Шуларни олиб уйингга ёпвол,- дедилар.

Турғунпўлат акам ҳам акам, ҳам устозим эди. Мен у кишининг маслаҳати билан газетага ишга кирганман. У кишининг маслаҳати билан дорилфунунда ўқидим. Ҳозиржавобликни, тезкорликни акам раҳматлидан ўрганганман. Оилапарвар инсон эди акам. Тўрт ўғил, бир қизни вояга етказиб, уйлаб-жойлаганди... Акам раҳматли ҳаёт бўлганларида шу 2001 йилнинг 13 феврал куни роса 60 ёшга тўлган бўлар эдилар...

Юрагимиз жиз этди.

Шу заҳотиёқ Ҳабиб акага қўнғироқ қилдим. Турғунпўлат ака ҳақида бир ёзгим келарди. Устознинг дўсти ҳақидаги бир оғиз фикри керак бўлиб қолган эди. Афсус, Ҳабиб ака йўқ эканлар...

Ҳабиб Саъдулла билан Турғунпўлат Сулаймонов ёшликдан тепишиб, катта бўлган жамалак ўртоқ эдилар. Ҳабиб ака, кечиринг, Мўминжон ака билан ўша учрашувимиздан сўнг уйга келиб, мана шу сатрларни қоғозга тушуряпман. Гарчи фикрингизни ололмаган бўлсам ҳам яхши биламан. Сиз қадрдон дўстингизни қўмсаб яшайсиз. Унинг дўлвор сўзларини, лутфларини, ҳазил-мутойибаларини соғиниб яшайсиз.

Наманганда, нафақат Наманган, Ўзбекистонда Турғунпўлат Сулаймоновни соғиниб яшайдиган ёру биродарлари кўп. Мен ҳам ўшаларнинг бириман. Ҳамма ўз ташвишига ўралашиб, бир-бировидан ҳол сўрашга вақт тополмаётган кунларда Турғунпўлат ака ёдимга тушади, тушаверади...

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг "Ўқув хўжаликлари бўлими" тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 41-48-21.

Тошкент шаҳар Шайхонтаҳур туманидаги "Қурувчитаом" жамоаси корхонаси Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2000 йил 12 декабрдаги 699-қарорига мувофиқ "Акбаржон" масъулияти чекланган жамияти деб номланди. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Тел: 90-48-21.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти томонидан 1994 йили Исмоилов Шуҳрат Бегижонович номига берилган № 626312 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Туроб ХОЛТОЕВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Икромхон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

МУАССИСЛАР: *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзпахтасаноатсотиш", "Ўзбекипаги", Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси*

Телефонлар: Қабулхона - 133-09-93 - 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, котибият — 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар — 136-56-30 (факс).

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-519-58; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-33-553-59; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган, Фарғона - 8-369-22-652-10; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-640-80; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.

Навбатчи: Ҳ.САТТОРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2000 йил 8 августда №00006-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. | Буюртма Г— 2008, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.00 | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди | 1 2 3 3 4 6.